1870 ЛЕНИНЙИ ИЛИ 1970

ЛЕНИННИНГ БАРҲАЕТ ҒОЯЛАРИ ВА ИШЛАРИ, ЛЕНИН ҲАЁТИНИНГ УЛУҒ ЖАСОРАТИ СОВЕТ КИШИЛАРИ УЧУН, БУТУН ДУНЁ МЕҲНАТКАШЛАРИ УЧУН ИЛҲОМ ВА ОПТИМИЗМНИНГ БИТМАС-ТУГАНМАС МАНБАИ БЎЛИБ ҲИЗМАТ ҚИЛАДИ.

ЛЕНИННИНГ ПОРЛОҚ ДАҲОСИ РЕВОЛЮЦИОН КУРАШ ВА ИЖОДИЙ БУНЕДКОРЛИК ЙЎЛИНИ ЕРИТИБ ТУРИБДИ.

(КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига» бағишланган тезисларидан).

КАЛИНИН районидаги Охунбобоев номли колхоз чорвадорлари ўтган йилни катта меҳнат ғалабалари билан якунлашди. Сут соғувчи Рашида Юсупова билан Тожи Исмоиловалар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини ҳам ортиғи билан адо этишиб, янги йилнинг дастлабки меҳнат кунларида ҳам бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Суратда: Р. Юсупова ва Т. Исмоилова.

Қ. Розиқов фотоси. ЎзТАГ.

Чирчиқ трансформатор заводининг меҳнатсевар коллективи В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини зафарлар билан кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқдалар. Улар шу кунларда янги маҳсулот ишлаб чиқаришга киришдилар. Суратда: коммунистик меҳнат зарбдорлари Д. Валиев ва Ж. Рустамовлар иш устида.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 4 (4251). | 7 январь, ЧОРШАНБА — 1970 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ТЕЗИСЛАР ОММАГА

ИЛҲОМБАХШ ҲУЖЖАТ

Партия Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига» бағишланган тезисларини совет халқлари зўр мамнуният билан кутиб олдилар. Шу кунларда Ватанимизнинг ҳамма чеккаларида, жумладан пойтахт областимизда ҳам бу тарихий ҳужжатни ҳар томонлама ўрганилмоқда.

Тезисларни кенг омма орасида тарғиб этишда лектор-пропагандистлар уюшмаси — «Билим» жамиятининг роли айниқса катта.

— Марказий Комитетнинг Ленин юбилейи муносабати билан чиқарган тезисларини лекторлар қандай тарғиб қилмоқдалар? — «Тошкент ҳақиқати» мухбири область «Билим» жамияти правлениеси президиумининг раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор **Э. Юсуповга** ана шундай савол билан мурожаат қилди. У қуйидагиларни айтди:

— Бу тарихий ҳужжатнинг ҳам тарғибот ишлари учун, ҳам илмий-назарий аҳамияти бор. Унда марксизм-ленинизмнинг ҳозирги даврда империализмга қарши курашдаги конкрет вазифалари белгилаб берилган. Тезислар биз, лектор-пропагандистлар учун қиладиган ишларимиз компаси дейиш мумкин. У бизга ўтказаётган лекцияларда ва суҳбатларимиз, оммавий тадбирларимизда ўз ишимизни аниқ бир мақсад ва йўналишга қаратишда асос бўлади.

Шуни айтиш керакки, жамиятимиз аъзолари юбилейга тайёргарлик кўриш даврида Ленин тематикасини пропаганда қилишда бир қатор диққатга сазовор ишларни амалга оширишди. Ўтган бир ярим-икки йил давомида пахта далаларининг меҳнаткашлари, саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг ишчи ва хизматчилари, Тошкент гарнизони жангчилари орасида, шунингдек маҳаллаларда мингдан ортиқ лекция ўқидилар, суҳбатлар, тематик кечалар ўтказдилар. Ана шу йиғинларда меҳнаткашларга В. И. Ленининг Ўрта Осиёда Октябрь революцияси ва Совет ҳокимиятининг ғалаба қозонишидаги улкан хизматлари, Ўзбекистонда экономика ва маданият, пахтачилик ва ирригация ишларининг ривожланиши, Осиё, Африка ва Америка халқлари тарихида Ленин ғояларининг ўйнаган ролини кўрсатиб беришга алоҳида эътибор қилинди.

Биз, республика пойтахти олимлари ва энг яхши лекторларнинг область колхоз ва совхозларига коллектив бўлиб чиқишини тажриба қилмоқдамиз. Ана шундай йўл билан «В. И. Ленин — КПСС ва дунёда биринчи меҳнаткашлар давлатининг доҳийси ва ташкилотчиси», «В. И. Ленин — улуғ ва оддий инсон», «В. И. Ленин пахтачилик ва ирригация ҳақида», «В. И. Ленин ва Шарқ халқларининг тақдири», «Ленинча яшаймиз, ишлаймиз ва ўқиймиз» ва бошқа темаларда кўплаб тематик, савол-жавоб кечалари, конференциялар ўтказилди. Олимларнинг коллектив бўлиб ўтказаётган конференция ва суҳбатлари тингловчиларда катта қизиқиш уйготмоқда. Ҳар галги учрашувга кўплаб одам тўпланаётганлиги фикримизнинг далилидир.

Ленин тематикасини тарғиб қилишда бизга кекса коммунистлар, революция, гражданлар уруши ва колхоз қурилиши ветеранлари яқиндан ёрдам бермоқдалар. Ветеранлар билан учрашувлар меҳнаткашларда чуқур таассурот қолдирмоқда. Айниқса Ленинни кўриш бахтига муяссар бўлган кишилар: Кремлнинг собиқ курсанти М. Бақоев, истеъдодли полковник Тестомус Буховер, чапаевчи Ф. А. Владимирский, кекса коммунистлардан А. Қодиров, Г. Е. Ногаев, П. И. Сударс ва бошқа ўртоқларнинг хизмати катта бўлмоқда.

Қишлоқ лекторларига ёрдам тариқасида биз Ленин тематикаси бўйича бир қатор лекциялар текстини тайёрлаб, область районларига юбордик. Ёш лекторлар учун семинарлар ва консультациялар ўтказилди, областдаги ҳамма шаҳарлар ва посёлкаларда доимий Ленин лекторийлари ва кинолекторийлари ишлаб турибди.

КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига» бағишланган тезисларининг эълон қилиниши ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ана шу муҳим тарихий ҳужжатни аҳолининг кенг табақалари ўртасида кенг тушунтириш ва тарғиб қилиш ҳақидаги қарори биз, лектор-пропагандистларни янги ишларга даъват этди.

Шонли юбилейга саноқли кунлар қолди. Бизнинг ҳар биримиз шу тарихий кунларда ўз кучимиз ва билимимизни халққа бериб, тезисларни кенг пропаганда этишни Ватан ва партия олдидаги муқаддас бурчимиз, деб биламиз.

Яқинда «Билим» жамияти область ташкилоти правлениеси президиумининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Бу йиғинда жамиятнинг район ташкилотлари масъул секретарлари, активлар иштирок этишди. Биз бамаслаҳат Марказий Комитет тезисларини кенг пропаганда қилишга қаратилган аниқ тадбирлар ва режаларни белгилаб олдик.

Мана, бешйилликнинг охирги йили — юбилей йили ҳам бошланди. Олимлар ва тажрибали лекторлардан тузилган дастлабки группалар областимизнинг энг чеккаларига — Бўстонлиқ, Бўка, Оққўрғон районларининг колхоз ва совхозларига жўнаб кетдилар. Шунингдек олимларнинг яна бир группаси Бекобод, Чирчиқ, Янгиобод ва Янгийўл шаҳарлари меҳнаткашлари ўртасида тезисларни кенг тушунтирадилар.

Жамиятимиз аъзолари Ленининг ҳамиша барҳаёт ва голиб таълимотини меҳнаткашлар ўртасида кенг тарғиб қилишда ўз куч ва ғайратларини аямайдилар.

БИЛДИРИШ

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети депутатларга маълум қиладики, XII чақириқ Тошкент шаҳар Советининг IV сессияси шу йил 15 январда эрта билан соат 10 да Республика Билимлар уйида чақирилади. (Киров кўчаси, 24-уй).

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилди:

1. Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 1969 йилда олиб борган ишлари тўғрисидаги ҳисоботи.

2. 1970 йилда шаҳар хўжалигини ривожлантириш плани тўғрисида.

Докладчи шаҳар план комиссиясининг раиси ўртоқ С. А. Хорковский.

3. 1970 йилда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджет лойиҳаси ва 1968 йил маҳаллий бюджетнинг бажарилиши тўғрисида.

Докладчи — молия бўлимининг мудири ўртоқ Р. У. Тўрақулов.

Молия бюджет ишлари бўйича доимий комиссия раиси ўртоқ С. А. Отабекова қўшимча доклад қилади.

Депутатлар 1970 йил 15 январь эрта билан соат 9 дан бошлаб шу бинонинг ўзида рўйхатга олинадилар.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

ЯНГИ МАРРАЛАР БЕЛГИЛАНЯПТИ

КОЛХОЗ КИШИЛАРИ

Олмалиқдаги 1-қурилиш механизацияси трести коллективи беш йилликнинг тўртинчи йилини меҳнатда катта ютуқлар билан якунлади. Пландаги қўшимча 1 миллион сўмликдан кўпроқ қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Бинокорлар ишда эришган катта ютуқлари учун бир неча бор область ва республика қурилиш ташкилотлари ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақада мукофотли ўринларни эгаллашди.

Меҳнатсевар коллектив янги йилни ҳам жадал ишлаш билан бошлади. Ҳар куни суръатга суръат қўшилмоқда. Трест бинокорлари В. И. Ленин номли Бекобод металлургия заводи коллективининг улуғ доҳий туғилган кунининг юз йиллигини муносиб кутиб олиш ва беш йилликни муддатидан илгари бажариш юзасидан бошлаган ватанпарварлик ҳаракатига бажонидил қўшилдилар. Шу кунларда улар ишда янги марраларни белгилашяпти, бунинг учун мавжуд резерв ва имкониятларни ҳисобга олмоқдалар.

Янгийўл шаҳридан четлаб ўтган катта йўлдан ўтсангиз атрофдаги пахтазорларга кўзингиз тушади. Калинин номли колхознинг Умарали Муҳамедов бошлиқ бригадаси пахта ерлари ҳам шу йўл бўйида.

Бу ер унга шон-шуҳрат бағишлаган, шу ер туфайли эл олдида унинг юзи ёруғ, шу сахий ер уни Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, деган юксак номга сазовор қилган. Мана, неча йилдирки Умарали Муҳамедов бошлиқ бригада аъзолари шу оила ердан муттасил юқори ҳосил олмоқдалар. Бу йилги энг қийин об-ҳаво шароитида ҳам улар дога қолмадилар. 146 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 36 центнердан ҳосил кўтариб, планни ошириб адо этдилар. Бригада аъзолари айрим йиллари бу ерларнинг гектаридан 42 центнергача етказиб «оқ олтин» йиғиб олганлар. Илгари колхознинг пастдаги ерларини серҳосил, қирдаги ерларини эса кам ҳосилли дейилар эди. Кейинги йилларда бу фикрнинг мутлақо нотўғрилиги аён бўла бошлади.

Қариб Атамқулов колхознинг қирдаги «Коминтерн» участкасида бригада бошлиғи бўлиб ишларди. Ўша кезларда бригаданинг ҳар гектар еридан оладиган ҳосили 19—23 центнердан ошмаган эди. Дарҳақиқат, бу фактни кўрган киши «пастдаги ерлар ҳосилдор, қир ерлари кам ҳосил» дегани сўзга ишонар эди. Атамқулов, айниқса, бу гапни кўп такрорлар, пастдаги ерда юқори ҳосил олиб, танилган кишиларга шама қилиб «улар мард бўлишса қирга чиқиб ишлаб кўрсин, ўшанда биламиз уларнинг қандай ишлашларини» дерди.

Оқибат нима бўлди денг! Атамқулов ўрнига пастда юқори ҳосил олиб танилган Жўра Сафаров тайинлангандан кейин аҳвол бирдан ўзгариб кетди. Атамқуловнинг даъвоси беҳуда бўлиб чиқди. Қирдаги «Коминтерн» участкада Жўра Сафаров бошлиқ бўлгандан кейин ҳосилдорлик 37,5 центнергача етди. Пастдаги серҳосил ерларга етиб олди.

Қирдаги Донёр Бектўғронов бошлиқ бригадада ҳам ҳосилдорлик пасайиб кетган эди. Унинг ўрнига колхоз правлениеси Роза Отабоевани тайинлади. Ер ҳам, одамлар ҳам ўзгаргани йўқ. Фақат бригада бошлиғи бошқа бўлди, ерга муносабат бошқача бўлди, ахшиланди. Шу туфайли ҳосилдорлик 7—8 центнер кўтарилди.

Масалан, Калинин номли колхознинг умумий ер фонди 4128 гектарни ташкил қилади. Шундан фойдаланилаётган сувли ерлар 1625 гектардир. 880 гектар теналик, жарлик ва тўқай ерлар бор. Колхоз партия ташкилотининг секретари ва колхоз агрономининг сўзига қараганда тўқайнинг ўзидан 50 гектардан кўпроқ ерни ўзлаштириш мумкин. Бироқ, бу ерда янги ер ўзлаштириш катта проблема бўлиб турипти. Колхознинг қирда 200 гектарча ҳали тўла ўзлаштирилмаган ери бор. Бу ҳам сувли ерлар ҳисобига қўшилиб кетган. Ана шу ерларни давлат ҳисобига ўзлаштириш, сув билан таъминлаш иши юришмай турипти. Бу вазифани ўз зиммасига олган ФМК жуда имиллаб иш қиляпти. Эндигина у 13 гектар ерни ўзлаштириб берган, холос.

Колхознинг Эски Қовунчи атрофидаги ерлари ҳали айтганимиздек, жуда яхши, ҳосилдор ерлар. Лекин, ҳар қандай ҳосилдор ер сув бўлмаса ҳосил бермайди. Мана шу ерларда кейинги вақтларда сув танқислиги сезилмоқда. Саратон кезларида сув етишмаганидан жанжал ҳам бўлиб туради. Нега шундай? Илгари сув сероб эди-ку? Сабаби — «Ленинизм» колхозидан ўтиб келадиган, Ниёзбоши ариғидан келадиган сув ҳозир етарли бўлмай қолди. Шаҳар кенгайди, хонадонлар кўпайди. Томорқага сув олувчилар оз эмас. Шу сабабли бу ариқнинг сувн камайиб қолди.

— Олдинлари,— дейди Ҳожимуҳамедов, — колхозимизнинг «Қизил Шарқ» участкаси ҳам шу ариқдан сув ичарди. Ҳозир бўлса у ерга мутлақо сув бормайдиган бўлиб қолди.

Аҳвол ана шундай. Ниёзбоши ариғи кенгайтирилмаса, бу ердаги сув танқислиги тугамайди.

Калинин номли колхозда ўнта бригада бор. Ҳосилдорлик жиҳатидан улар бир-биридан фарқ қилади. Масалан, Умар али Муҳамедов бошлиқ бригадада гектаридан 34—36 центнердан ҳосил олинаётган бўлса, Донёр Бектўғронов бошлиқ бригадада аранг 26 центнердан ҳосил олинади. Орадаги тафовут — 8центнер. Шунинг ўзи ҳосилдорликда аравани ҳамма баравар тортмаётганини кўрсатади. Ҳамма бригадалар ҳам ерни баравар қадрламаяпти. **«Колхозчи деҳқонлар ерни ғоят қадрлашлари, ҳар бир гектар майдоннинг унумдорлигини оширишлари керак»**, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг қурултойда айтган бу гаплари ҳозир барча деҳқонларнинг жанговар шиори бўлиб қолди.

Бунга амал қилиш, ҳосилдорликни ошириш айни кунларда биринчи даражали вазифадир.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

ОШИРИЛГАН МАЖБУРИЯТ

Бу корхона коллективининг донги республикамиздагина эмас, ҳатто мамлакатимизга ҳам ёйилган. Унинг цехларида ишлаб чиқарилаётган турли-туман қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар халқ хўжалигининг деярли барча соҳаларида кенг фойдаланиляпти. Шунинг учун ҳам бу маҳсулотларга бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ортмоқда. Буни ҳисобга олган металлурглар маҳсулот тайёрлашни кўпайтириш, сифатини яхшилашга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Чирчиқдаги қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ўтган хўжалик йилида ишлаб чиқаришнинг барча техника-иқтисодий кўрсаткичларини анча яхшиладилар. Улар В. И. Ленин тавалудининг юз йиллиги шарафига олган социалистик мажбуриятларини знёдаси билан адо этдилар.

270 минг сўмликдан кўпроқ хомашё ва материаллар тежаб қолинди. 800 минг киловатт-соатга яқин электр қуввати иқтисод қилинди.

Меҳнатсевар коллектив В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи ишчи-хизматчиларининг улуғ доҳий туғилган кунни муносиб совғалар билан кутиб олиш юзасидан бошланган ватанпарварлик ташаббусини тўла қўллаб-қувватламоқда. Металлурглар зиммаларига янги мажбуриятлар олишди. Улар тўрт ойлик ишлаб чиқариш топшириғини В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигигача бажаришга аҳд қилдилар.

Прокат участкасининг коллективи янада юксакроқ марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқда. Илғорлар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, беш йиллик планни 22 апрелгача тўла бажаришга қарор қилдилар. Уларнинг бу ташаббуслари бошқа участка ва бригадалари коллективлари ўртасида кенг ёйиляпти. Ўнлаб ва юзлаб металлурглар ҳам улуғ сана шарафига зиммаларига шахсий мажбуриятлар олишди.

М. МАҲМУДОВ.

Суратда: корхонанинг илғор металлурглари (чапдан ўнга) Ранса Калтайс, Нина Умникова, Ранса Павленко ўртоқлар.
Р. Шамсуддинов фотоси (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ РАЙОН СОВЕТЛАРИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК БОШҚАРМАЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади: Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари район советлари ижроия комитетларининг қишлоқ хўжалик бошқармалари тузилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Ё НАСРИДДИНОВА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари. Р. САХИБОЕВ

1970 йил 6 январь.
Тошкент шаҳри.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети машҳур саркарда, партия ва давлат арбоби, Совет Иттифоқи маршали, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Е. Ворошиловнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

1. Меҳнаткашларнинг кўпдан-кўп истакларини, Луганск область партия комитети ва область ижроия комитетининг Украина Компартияси Марказий комитети қўллаб-қувватлаган таклифини назарда тутиб, Луганск шаҳрини Ворошиловград шаҳри ҳамда Луганск областини Ворошиловград области деб ўзгартириш мақбул деб топилди.

Ворошиловград шаҳрида К. Е. Ворошиловга ҳайкал ўрнатишга қарор қилинди.

2. Москва шаҳридаги Хорошевский районини Ворошилов райони деб ўзгартириш тўғрисида КПСС Москва шаҳар комитети билан Москва шаҳар совети ижроия комитетининг таклифи қабул қилинди.

3. СССР Қуролли Кучлари Бош штабининг Ленин орденли ва биринчи даражали Суворов орденли ҳарбий академиясига К. Е. Ворошилов номини беришга:

— СССР Қуролли Кучларининг ҳарбий академияларида К. Е. Ворошилов номидаги бешта стипендия таъсис этишга;

— Москва шаҳрида К. Е. Ворошилов яшаган Грановский кўчасидаги 3-уйда мармар лавҳа ўрнатишга қарор қилинди.

4. Снёсий адабиёт нашриётига К. Е. Ворошилов тўғрисида оммабоп биографик очерк тайёрлаш ва уни кўп нусхада босиб чиқариш вазифаси топширилди.

* * *

Украина ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан, Луганск шаҳри Ворошиловград шаҳри деб, Луганск области Ворошиловград области деб ўзгартирилди.

РСФСР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан, Москва шаҳридаги Хорошевский райони Ворошилов райони деб ўзгартирилди.

ЛЕНИНИЗМНИНГ ҲАЁТИЙ КУЧИ

Совет кишиларининг, социалистик мамлакатлар халқларининг, халқаро ишчилар синфининг, жаҳондаги барча меҳнаткашларнинг онгида 1970 йил баҳори Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг бўлажак юз йиллик байрами билан табиий равишда боғланмоқда. Ўз шуҳратининг кўлами ва издошларининг кўплиги жиҳатидан, тарихий воқеаларга таъсири жиҳатидан Ленинга тенг келадиган шахс инсоният тарихида топилмайди.

Социализмни утопиядан фанга айлантирган пролетариатнинг улуғ устозлари Маркс билан Энгельс ишини давом эттириб, Ленин марксизмни ҳар томонлама бойитди ва уни революцион кураш ҳамда социалистик туб ўзгаришлар практикаси билан уйғунлаштирди. КПСС Марказий Комитетининг яқинда эълон қилинган ҳужжати — «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига» аталган Тезислар Ленин таълимоти асосий қоидаларининг ҳаққонийлиги ва жаҳоншумул аҳамиятини социалистик ва коммунистик қурилишнинг, бутун революцион-озодлик ҳаракатининг актуал вазифалари билан боғлаган ҳолда очиб беришга бағишланган.

Тезислар бўлажак юбилей муносабати билан партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, матбуот, радио, телевидение, «Билим» жамияти, илмий ва маданий-оқартув муассасалари олиб бораётган кенг кўламдаги ғоявий-тарбиявий, пропаганда ишининг негизи бўлиб қолди. Бунда идеология ишининг савияси тарихий сананинг аҳамиятига, пропаганда қилинаётган Ленин ғояларининг теранлигига мос бўлиб тушишига алоҳида эътибор берилмоқда.

1.

КПСС Марказий Комитетининг Тезисларида ленинизм вужудга келишининг тарихий шарт-шароитлари таърифлаб берилган, Ленининг кўп қирали, чинакам улкан назарий, пропаганда ва ташкилотчилик фаолияти: янги типдаги революцион марксистик партияни вужудга келтирганлиги, Россия ва халқаро ишчилар ҳаракатидаги турли-туман ўнг ва «сўл» оппортунистик оқимларга қарши кураш олиб борганлиги, Улуғ Октябрь социалистик революциясига тайёргарлик ишларига ва ишчилар синфи ҳокимиятини ўрнатишга раҳбарлик қилганлиги кўрсатиб берилган.

Айни вақтда КПСС Марказий Комитети юбилей ҳужжатининг пафосини Владимир Ильичнинг ўзи айтган сўзлар билан қўйидагича ифодалаш мумкин: «Биз бошимиздан кечираётганимиз шундай бир вақтда бутунлай тарихга бериб кетиш, ҳозирги ва келгуси вазифалар тўғрисида ўйламасдан, ўтмишни эслаш билан чекланиш, менинг кучим етмайдиган бир нарса эканлигига иқрорман» (Асарлар, 29 том, 139-бет).

Тезисларда бундай дейилади: Социалистик қурилишнинг назарий ва амалий масалалари Октябрдан кейин ленинизмда марказий ўрин олди. Ярим асрдан кўпроқ вақт муқаддам бошланган ер курраси нинг социал қиёфасини революцион тарзда янгилаш суръатлари ва чуқурлиги ана шу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишига боғлиқ.

Ленининг, большевиклар партиясининг оламшумул тарихий хизмати шуки, улар жаҳонда биринчи бўлиб социалистик жамият барпо этишга бошчилик қилдилар, халқаро озодлик ҳаракатининг мустаҳкам давлат базасига асос солдилар. СССРда социализм қурилганлиги барча мамлакатлар келажакдаги ривожининг асосий белгиларини намойиш қилиб кўрсатди. Уч қитъадаги кўп халқлар янги турмуш йўлига тушиб олиб, жаҳон социалистик системасини вужудга келтирдилар.

Жаҳон меҳнаткашлари бундан буёнги кураш намунаси ва йўлини, бу курашда эришилиши мумкин бўлган натижаларни кўриб турибдилар, янги жамият қуришнинг амалда синаб кўрилган ленинча плани ва принципларини билан қуролланмоқдалар. Ана шу принципларнинг моҳиятини чуқур тушунтириб бериш — бутун идеология ишимизнинг асосий соҳаларидан биридир. Илмий социализмни буржуаларча ва майда буржуаларча талқин қилиш йўли билан илмий социализм ўрнига капитализмни қайта тиклашчи зимдан тарғиб қилиш расм бўлиб қолган ҳозирги вақтда бу принципларнинг моҳиятини таҳлил айниқса муҳимдир.

Ленин таълим бериб айтган эдики, социализмнинг мақсади (ва моҳияти): ернинг, фабрикаларнинг ва бошқа шу каби лаларнинг, умуман ишлаб чиқариш воситаларининг бутун жамият мулкига айланишидан ва капиталистик ишлаб чиқаришни жамият барча аъзоларининг манфаатларини кўзловчи умумий планга мувофиқ ишлаб чиқариш билан алмаштиришдан, жамият аъзоларининг тўла фаровонлигини ва **ҳар томонлама** эркин ривожини таъминлашдан иборат. Социализм Ленин асарларида ва амалда жамият ривожининг кашф этилган қонуниятларига мувофиқ равишда мазкур жамият ихтиёридаги ресурсларга асосланиб, одамларнинг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадларига биноан онгли равишда уйғунлаштирилган ижтимоий муносабатлар системаси сифатида намоён бўлади.

Ленинизм таълим бериб айтадики, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида фан ва техниканинг энг янги муваффақиятларига асосланган ва Тезисларда таъкидлаб ўтилганидек, давлат миқёсида умумлаштиришни талаб қилувчи юксак даражада ривожланган индустриал ишлаб чиқаришгина янги тузумнинг моддий базаси бўла олади. Бу вазифа ҳал этила борган сари, деб ёзган эди Ленин, «капитализмга қараганда юқорироқ ижтимоий уклад вужудга келтириш, яъни меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда шу муносабат билан (ва шунинг учун) меҳнатни юқори даражада ташкил этиш варурий суратда биринчи ўринда турган асосий вазифа бўлади». (27 том, 260 бет).

Ленининг ана шу гаплари биринчидан, социализмни мавжуд моддий техника базасига ва ишлаб чиқариш натижаларга қандай эканлигига қарамай фақат умумлаштиришдангина иборат қилиб кўрсатувчи «ўта сўллар»ни танқид қилиш учун асос беради. Иккинчидан, Ленининг шу фикри назарда тутилганда ўнг оппортунистларнинг йирик машина индустриясини айрим меҳнат коллективларининг мулки қилиб топиришни кўзда тутувчи қандайдир «кооператив социализм» концепцияси тутуруқсиз эканлиги равшан бўлиб қолади, чунки йирик машина индустриясининг айрим меҳнат коллективлари мулки қилиб топиришлиги ижтимоий меҳнатнинг социалистик негизда, бирдан-бир илмий ташкил этишга имкон бермайди.

Ленин социалистик жамиятга демократик ташкил этишга, унинг ишларида аҳолининг мумкин қадар кўпроқ кенг оммаси қизиқиб иштирок этадиган бўлишига алоҳида аҳамият берар эди. «Бутун халқ буржуазиядан тортиб олган ишлаб чиқариш воситаларини демократик асосда идора қилишни уюштирмасдан туриб, барча меҳнаткашлар оммасини, ҳам пролетарларни, ҳам ярим пролетарларни, ҳам майда деҳқонларни ўз қаторларини, ўз қучларини, ўзларининг давлатда иштирок қилишларини демократик асосда уюштиришга тортмасдан туриб» капитализмни енгиб бўлмайди, деб ёзган эди у (Асарлар, 23 том, 15-16 бетлар). Халқ қучларини ишчилар синфи ва унинг партияси раҳбарлигида бундай демократик ташкил этиш капитализмдан социализмга ўтиш даврида пролетариат диктатурасида ўзининг ғоят мукаммал ифодасини топади. «Пролетариат диктатураси, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг Тезисларида, — эксплуататорлар учун бўлган демократияни меҳнаткашлар учун бўлган социалистик демократия билан алмаштириш демакдир, чинакам халқ ҳокимияти давр ининг бошланиши демакдир». Бу қонда ревизионистларнинг социалистик давлатнинг синфий моҳияти тўғрисидаги Ленин таълимоти «эскириб қолди» деган даъволарига қарши курашда барча чинакам марксчи-ленинчиларни қуроллантиради.

Тезисларда Ленининг социализм қуришга сергаклик ва реализм билан қараганлиги таъкидлаб ўтилади. Қарама-қаршиликлар ва қийинчиликлардан холи ўлган қандайдир идеал жамият бугун-эрта пайдо бўлиб қолади, деб кутган кишиларни Владимир Ильич ҳамиша мазах қилган эди. У социализмни бир бутун жонли, ривожланувчи организм деб билар эди. КПСС Марказий Комитетининг Тезисларида янги тузумни ленинча тушунишнинг айни шу жиҳати таъкидлаб ўтилади «Социализмнинг ривожланиши» коммунизмнинг иқтисодий етуклик босқичлари деб нимани аташ мумкинлиги»га (33 том, 98-бет) қараб ўнг ижтимоий ташкил қилишнинг қуйи формаларидан юқори формаларига ўтишдан иборат мураккаб жараёндир».

Идеология фронтимизнинг ходимлари Ленин кўрсатмаларига амал қилиб, коммунистик қурилиш вазифаларининг асосли эканлигини, бу вазифаларни бажариш мумкинлигини тўлиқроқ ва чуқурроқ тушунтириб беришлари, айни вақтда бу вазифаларнинг мураккаблигини ҳам кўрсатишлари керак. Коммунизм учун кураш жараёни тўғрисида «осонлаштирилган» тасаввурларни тарқатиш ярамайди.

Ленин баъзан қилиб айтганидек, «ҳар бир миллат демократиянинг бирор формасига, пролетариат диктатурасининг бирор шаклига, ижтимоий ҳаётнинг турли томонларини социалистик асосда ўзгартиришнинг бирор суръатига ўз хусусиятини киритади». (23-том, 71-бет). Тезисларда таъкидлаб ўтилган Ленининг ана шу фикри марксизм-ленинизм душманларининг совет коммунистлари гўё социализмнинг қандайдир бир қолипга солинган моделига тарафдорлар, деган ҳамма уйдирмаларини чил-парчин қилиб ташлайди.

Социалистик туб ўзгаришларни бошлаган вақтда, деб ёзган эди Ленин, шу туб ўзгаришлар оқибат натижада қайси мақсадга қаратилган бўлса, ўша мақсадни, коммунистик жамият қуриш мақсадини ўз олдимизга равшан қилиб қўйишимиз лозим.

Ленининг «Биз коммунизм иқтисодий жиҳатдан асосланганидагина уни қадрлаймиз» (29-том, 189-бет) деган қоидаси партия учун программ қоидадир. КПСС Ленин йўлидан бориб, аввало коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришни коммунизм қуришнинг энг асосий вазифаси деб билади. Бу вазифа, деб таъкидланади юбилей Тезисларида, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш тобора СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналиши бўлиб қолаётган бир даврда ҳал этилмоқда. Бу вазифа иқтисодий қурилишимиз актуал проблемаларини тушунтириш соҳасидаги бутун ишимизнинг марказига қўйилиши лозим.

Коммунистик қурилиш ишлаб чиқаришнинг ҳамма томонларини қамраб олаётган улкан фан-техника революцияси билан айни бир вақтда авж олиб бормоқда ва шу революция муваффақиятларидан кенг кўламда фойдаланишни тақозо этади. Ҳозирги дунёда фан билан техника бир-бирига зид бўлган икки социал-иқтисодий система мусобақасининг энг муҳим майдонига айланиб кетди. Энг илғор фан ва техникани социализм ва коммунизмга, меҳнаткашлар манфаатларига хизмат қилдириш бизнинг мамлакатимизда ҳам, умуман жаҳон социалистик ҳамдўстлигида ҳам энг муҳим иқтисодий ва сиёсий вазифа бўлиб қолди. Тезисларни тушунтириш вақтида олимларимиз, инженерларимиз, техникларимиз, барча меҳнаткашларимизнинг диққат-эътиборини тобора янги-янги фан-техника проблемаларини ҳал этиш зарурлигига, фан муваффақиятларини ишлаб чиқаришга тезроқ жорий этишга қаратиш муҳимдир.

Ғоявий-тарбиявий ишнинг ҳамма бўғинларида ҳар бир ходимнинг онглилигини, интизомлилигини оширишга, унда ҳуқуқларни гражданлик вазифалари билан, умумий иш учун бўлган масъулият билан тўғри қўшиб олиб бориш қобилиятини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг пухта ўйланган системаси амалга оширилиши лозим.

Ҳужжатнинг анчагина қисми коммунизмнинг моддий-техникавий, иқтисодий, илмий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий шарт-шароитларини таърифлашга бағишланган. «Коммунистик қурилиш йўлларида биз, Ленин сўзлари билан айтганда, жуда катта иш қилишимиз, шу вақтга қадар сарф қилингандан кўра анча кўп меҳнат сарф қилишимиз керак бўлади». КПСС Марказий Комитети Тезисларидаги бу хулоса совет кишиларини КПСС XXIII съезди қарорларини бажариш учун, коммунистик қурилишнинг партия белгилаб берган планларини муваффақиятли амалга ошириш учун тағин ҳам сабот билан фидокорона курашга сафарбар этувчи даъват бўлиб янграйди.

2.

Турмушнинг социалистик уклади планетамизнинг бепоён кенгликларида қақиқатга айланди. Бу турмуш уклади юз миллионлаб кишиларнинг онгли меҳнати билан бунёд этиляпти. Инки ижтимоий системанинг бир-бири билан кураши инсоният тарихи ҳозирги даврининг мазмунини ташкил этади. Бу эса социализм инсониятнинг учдан икки қисми учун ҳозирча истиқбол бўлиб, эксплуататорлик тузумининг охирги босқичи — империализмга қарши шиддатли курашда қўлга киритиладиган натижа бўлиб турганлигини ҳам билдиради.

Антиимпериалистик қучлар ўсиб бораётган бир пайтда ҳозирги замон империализми эски жамиятнинг бутун имкониятларини сафарбар этмоқда, жаҳонда авж олиб кетган фан-техника революцияси муваффақиятларини ўз қўлига киритиб олишга уринмоқда. Империалистик буржуазия ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида ва ҳамма соҳаларида зўр бериб пайранг ишлатмоқда. У улкан ишлаб чиқаришга ҳос бўлган планли ривожланиш тенденциясидан фойдаланиб ва бозор стихиясини монополияларнинг манфаатлари йўлида қисман жиловлаб, капиталистик экономика ўсиш суръатларининг пасайишига тўсқинлик қилишга интилмоқда. Бунинг замирида меҳнаткашларни эксплуатация қилишнинг кучайиши ва бу эксплуатацияни тағин ҳам маккорона иқтоблаш ётади. Монополиялар оммани бостиришнинг қўпол формаларини ишга солиш билангина қифояланмай, оммани ўз таъсирига бўйсундиришнинг турли-туман янги воситаларини ҳам ишга солмоқда, ён беришлар ва садақалар билан уни синфий курашдан чалғитишга уринмоқда. Лекин оқибат натижада, Тезисларда таъкидлаб ўтилганидек, «Мана шуларнинг ҳаммаси социал антагонизмларнинг, асосий капиталистик мамлакатлар дуч келаётган иқтисодий қийинчиликларнинг кучайишига, доимий валюта-молия кризисига, ишсизликка, империалистлар ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашувига олиб келмоқда».

Капиталистик дунё бойликларининг жуда катта қисми, фан-техника революциясининг самаралари халқларнинг манфаатларига зид бўлган мақсадларга — урушга тайёргарлик кўриш ва уни олиб боришга исроф қилиб юборилмоқда. Тезисларда Америка империализмига ленинча баҳо берилади, халқаро империализмнинг Вьетнамга, Кубага, Панамага, Доминикана Республикасига қарши қуролли игвогарликлар сиёсати, унинг араб мамлакатларига қарши Исроил агрессиясини қўллаб-қувватлаётганлиги фош қилинади.

Империалистларнинг уруш ва агрессия сиёсатига социализм халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликдан иборат ленинча сиёсатни қарама-қарши қилиб қўяди. Ленин васиятларига содиқ бўлган КПСС тинчлик учун, янги жаҳон уруши хавфига қарши курашда барча кучларни жипслаштириш тўғрисида мутасил ғамхўрлик қилмоқда. Замонамизнинг ўзига хос туб фарқи шундан иборатки, империализм жаҳон ишларида ўтмишдаги монополиясидан абадий маҳрум бўлди. «Империалистик стратегия социалистик тузумни емириб ташлашдан иборат ўзининг асосий мақсадига асло эриша олмаслиги ҳозирги вақтда тўла равишда аён бўлиб қолди... Социализм тарихий ҳужумни давом эттирмоқда» — дейилади КПСС Марказий Комитетининг Тезисларида. Бизнинг пропагандамизда ана шу жараённинг диалектикаси атрофлича кўрсатиб берилиши, бунда империализм агрессив кучлари томонидан бўлаётган хавфнинг камайтириб кўрсатилишига ҳам, уларнинг имкониятларини бўрттириб юборишга ҳам йўл қўйилмаслиги керак.

Ҳужжатда империализмга қарама-қарши бўлиб турган революцион кучлар илмий жиҳатдан асослаб, таърифлаб берилган.

Ана шу кучларнинг энг асосийси социалистик мамлакатлар халқларининг қардошларча ҳамдўстлигидир Уларнинг тағин ҳам маккам иқтисодий ва сиёсий яқинлашувини турмушнинг ўзи талаб қилмоқда. Социалистик давлатлар халқ хўжалик планларини координациялаш, социалистик интеграциянинг ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши қабул қилган узоқ муддатли программаси бу вазифани муваффақиятли ҳал этишга хизмат қилади. Шу тарихга қардош партиялар Ленининг «Меҳнаткашларнинг халқаро кооперативи»ни вужудга келтириш тўғрисидаги ғоясини ривожлантиришга иқтидор ниесса қўшмоқдалар. Пропагандамизнинг бурчи — майда буржуа унсурларнинг империалистик доиралар мадада билан оппортунистик, ревизионистик, милитчилик қарашларини жонлантиришга қаратилган куч-ғайратларига зид равишда ўз тақдирини ўз қўлига олган халқларнинг жипслиққа интилиши устун бўлиб чиқаётганлигини доимо тушунтириб боришдан иборат.

Социалистик ҳамдўстликнинг ривожланган капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфи билан иттифоқини Ленин антиимпериалистик ҳаракат қудратининг бошқа бир манбаи деб билган эди. Бу иттифоқни у «бизнинг асосий умидимиз, бизнинг асосий ишонган таянчимиз» деб атаган эди. (Асарлар 28-том, 379-бет).

Капитал дунёсидаги синфий жангларнинг ҳозирги миқёси ва жадаллиги Ленининг халқаро пролетариат қудратли революцион имкониятларига бўлган ишончи асосли эканлигини жуда яхши исботлайди. КПСС Марказий Комитетининг Тезислари капиталистик давлатлардаги ишчилар синфи ичида содир бўлаётган янги жараёнлар ва ҳодисаларни умумлаштириб беради. Ҳозирги капиталистик дунёга характерли бўлган техникавий-ишлаб чиқариш, ижтимоий ва сиёсий силжишлар ҳисобга олинган ҳолда ишчилар синфининг иттифоқчилари тўғрисидаги масала ҳам ўртага қўйилади. Ҳужжатда асосий капитал мамлакатларида катта қисми пролетариат сафларига ўтиб кетишга мажбур бўлган деҳқонларнинг роли таъкидлаб ўтилади. Кўп сонли зиёлилар ва ўқувчи ёшлар антиимпериалистик қучлар коалициясига қўшилганлиги сингари актуал проблема илгари сурилганлиги ҳамманинг эътиборини жалб қилади.

Ленининг фикрига кўра, жаҳон социализми ва халқаро ишчилар синфи билан миллий озодлик курашининг яқин иттифоқи империализмга ва капитализмга қарши ҳаракат қучларининг учинчи манбаидир. Юз миллионларча мустамлака қуллари сиёсий озодликка эришганлиги планета қиёфасини принципиал тарзда ўзгартириб юборди, империализмга қудратли зарба урди. Миллий революциялар тўлқини озод бўлган мамлакатлар иқтисодий ва сиёсий ривожининг бундан бўёнги йўллари тўғрисидаги масалани жуда ўткир қилиб ўртага қўйди.

КПСС Марказий Комитетининг ҳужжати дунёдаги социалистик, революцион қучларнинг бутун эътиборини «учинчи дунё»нинг энг муҳим ва энг ўткир проблемасини ғоят самарали ҳал қилиш вариантига — собиқ мустамлакалар ва ярим мустамлакаларнинг Ленин доҳиёна исботлаб берган нокапиталистик ривожланиш имкониятига қаратади.

В. И. Ленин жаҳон коммунистик ҳаракатини барча революцион отрядларнинг мустаҳкам иттифоқини таъминлашга ва унга бошчилик қилишга бўлган ҳозирги замоннинг бирдан-бир нуфузли сиёсий кучи деб ҳақли равишда ҳисобланган эди. КПСС Марказий Комитетининг Тезисларида жаҳон коммунистик ҳаракатининг Ленин асос солган Коммунистик интернационалнинг биринчи конгрессларидан торгиб, ҳозирги кунгача босиб ўтган йўлига принципиал характеристика берилган. коммунистлар халқаро анжуманларининг, жумладан, коммунистик ва ишчи партияларнинг 1969 йил июнида бўлиб ўтган Москва Кенгашининг аҳамияти таърифланган.

Ҳужжатда шу нарса таъкидлаб ўтиладики, ишчилар синфининг онгли авангарди, интернационалистик отряди бўлган, бутун куч-ғайратини ишчилар синфини, ҳокимиятни курашиб қўлга киритишга тайёрлашга қаратувчи, конкрет тарихий шароитларда марксизм-ленинизмнинг муштарак принципларини татбиқ этиш негизида меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилишнинг мураккаб санъатини ҳормай-толмай эгаллаб борадиган яхлит жанговар ташкилот бўлган янги типдаги партия тўғрисида ҳали ҳам ўз актуаллигини батамом сақлаб келаётган Ленин таълимоти жаҳон коммунистлари фаолиятининг ўзгармас принципиал асосидир, уларнинг ўз юксак бурчларини муваффақиятли адо этиш гарантиясидир.

3.

Ленин революцион даврининг тарихий мазмуни ва қонуниятларини марксистик позицияларда туриб, чуқур очиб берганлигини Тезислар Ленининг буюк хизмати деб баҳолайди. Ленин асарларида ҳозирги замон тўб проблемаларининг бутун комплекси қамраб олинган. Марксистик назария ленинизм тимсолида революцион ишчилар ҳаракати практикаси билан узвий бирликка эришиб, ўзининг революцион ўзгарувчанлик, танқидий бунёдкорлик характерини тўла-тўкис намоён қилди.

Социал ҳодисаларга ёндошиш борасида бутун вужуд билан новатор бўлган Ленин айни бир маҳалда марксизм принципларидан асло чекинмади, шунинг орқасида «замонга мос эмас» деб ном чиқаришдан қўрқмади. Унинг ўз сўзлари билан айтганда, Ленин ишчилар синфи устозларининг шаънига қилинадиган ҳар қандай таҳқирга хотиржам қараб тура олмас эди. «...Улар — чин инсонлардир! — деб ёзди Ленин, Маркс билан Энгельс тўғрисида. — Улардан таълим олмоқ керак. Биз ана шу йўлдан чиқмаслигимиз лозим». (35-том, 272-бет). Ленинни «теша тегмаган» гап ёки ибора билан чалғитиб бўлмас эди. У назарияга қилинган ревизионистик саёҳатларнинг сохта новаторликдан иборат моҳиятини, сиёсат бобидаги мешчанларнинг ишчилар синфи бебаҳо маънавий бойлигини майда чақачалик қадри бўлган шахсий обрў ёхуд гуруҳлар манфаатига алиштиришга уринишларини ёқтириб аҳлаб ваҳоват билан фош этди.

Марксизмнинг революцион традицияларига садоқатни, илмий социализм асосчиларининг ғоявий меросига масъулият билан қарашни Ленин шу меросни атрофлича конкретлаштириш ва ривожлантириш керак, деган маънода тушунар эди. «Биз Маркс назариясига асло қандайдир тамомига етган ва қўл теккизиб бўлмайдиган бир назария деб қарамаймиз, — деб ёзди Ленин, — аксинча, биз бу назария, агар социалистлар турмушдан орқада қолишни истамасалар, ҳар томонлама ривожлантиришлари лозим бўлган фаннинг фақат туб асосларигина яратиб берган деб биламиз». (4-том, 232-бет). Бутун дунё меҳнаткашларининг революцион практикаси, социализм қураётган халқлар тажрибаси пойдевори устига қурилган марксизм-ленинизмнинг муҳташам биноси ана шу сўзлар фақат қуруқ тан бўлиб қолмаганлигини исботлаб турибди. Пролетариат озодлик курашининг назарияси сифатида Ленининг ҳиссаси билан тўлатилган марксизмнинг шогирдлари, абадий барҳаёт ленинизм руҳининг таргиботчилари муттасил бойитиб бормоқдалар.

Партиямиз назариячи кадрларининг вазифаси — марксчаленинча таълимотни тинмасдан ривожлантириб, социализм ва коммунизм қурилиши практикасини, жаҳон революцион ҳаракати тажрибасини умумлаштириб боришдир.

Ленин революцион идеологиянинг такомиллаштириб боришни назарий ишининг энг муҳим вазифаси деб билган эди. «Социалистик идеологияни эгаллагандан кейингина, — дейилади Тезисларда, — меҳнаткашлар оммаси ўзининг кундалик эҳтиёжларини ва бевосита вазифаларини тушуништан туб манфаатларни ва тарихий перспективаларни англашга ўтади». Буржуа ва майда буржуа қарашларнинг тазйиқи кучаиб бораётган шароитда муттасил идеология иши олиб бормасдан туриб оммага тўғри сиёсий йўлни кўрсатиш, уни социализм ва коммунизм учун онгли курашга сафарбар этиш мумкин эмас. Шу билан бирга марксча-ленинча назариянинг омма онгига тез сингадиган, конкрет тарихий вазиятда, биринчи галдаги конкрет вазифаларни ҳал қилиш вақтида энг кўп таъсир кўрсата оладиган қоидаларини танлаб олиш ва бир системага солиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Шуни назарда тутиш зарурки, идеология илмий булгани ва илмдан янги-янги маълумотларни доимо олиб тургани ҳолда айни замонда илмнинг ўзи бўла олмайди. Чунончи, аҳолининг ҳамма табақалари орасида олиб бориладиган ғоявий-тарбиявий ишни назарияда ҳали ҳал қилинмаган мунозарали масалаларни, пропаганда қилиш асосига илмий-тадқиқот жараёнида айтилиши мумкин бўлган ҳар хил фикрларни пропаганда қилиш асосига қуриш хато бўлур эди. «Марксист, — деб ёзган эди Ленин, — ўз сиёсатига асос қилиб фақат аниқ ва шубҳасиз исбот қилинган фактларнигина олиши лозим». (35 том, 231-бет). Бу гаплар неча ўн миллионлаб кишиларнинг социал активлиги қайси йўлдан боришини кўп жиҳатдан белгилаб берувчи идеология соҳасидаги сиёсатга мутлақо тааллуқлидир.

КПСС Марказий Комитетининг юбилейга бағишлаб чиқарган Тезислари ҳам партиянинг идеология соҳасидаги сиёсатига Ленин васиятлари руҳида ўз ҳиссасини қўшмоқда. Лондонда чиқадиган «Таймс» газетаси сингари буржуа афкор оммасининг жарчиси ҳам ҳужжатнинг мазмунига қараганда, партия раҳбарлиги «яхши мустаҳкамланган позицияларда қолмоқчи...» деб эътироф этишга мажбур бўлди.

Илмий социализмни ишчилар ҳаракати билан қўшиб юбориш зарурлиги ҳақидаги ленинча қоида асло эскириб қолгани йўқ. Илмий социализм ишчилар ҳаракати билан аср бошида бир марта қўшиб юборилган эди, шунинг ўзи кифоя, деб ҳисоблаш нотўғри. Бу вазифа ҳар бир янги авлод олдида бошқа шаклга кириб қайта-қайта намоён бўлаётганлигини турмуш кўрсатиб турибди. Партия ўзининг идеология ишида ленинизм социалистик жамият барча аъзолари учун доимо дунёқараш негизи бўлишини талаб қилмоқда. Шунинг муҳимки, совет кишилари революциямиз даврлари ўртасидаги боғланишни муттасил сезиб турсинлар, социализм ва коммунизм учун курашган барча авлодларнинг бир-бирига ўринбосарлигини ўз фаолиятлари билан қарор топтирсинлар.

Ҳозирги дунёни чулғаб олган ғоялар курашида бутун башариятнинг социалистик ривожланиш йўлини онгли ва узил-кесил танлаб олиши масаласи ҳал бўлмоқда. Эксплуатация ва бойлик орттириш тузуми бўлган капитализм негизларининг ўзи хавф остида қолганлиги сабабли ашаддий фашистнамо антикоммунизмдан тортиб ўнг ва «сўл» ревизионизмга қадар шарти кетиб, парти қотган буржуа цивилизациясининг барча кучлари илмий коммунизм ғояларига қарши бир ёқадан бош чиқарди. Бу олачипор коалиция бирин-кетин «руҳий ҳамла»га ўтмоқда, социализмни капитализм «қучоғида» бўғиб ўлдириш ҳақидаги модернистик назариялардан тортиб социалистик ғоялар ва практикага беҳаёларча бўхтон ёғдиришгача сал бўлсада ютук келтирадиган ҳамма воситаларни ишлатиб кўрмоқда, бунда ўзларини советшунос ва кремленологлар, деб атаган кишилар айниқса жонини жабборга бериб тиришмоқда.

Фақат ленинизмгина миллионларни ана шундай маънавий жиҳатдан оғулашга қарши тура олади, уларга коммунистик нотиқолга олиб борувчи тўғри йўлни кўрсатиб бера олади.

Ленинизм — давримизнинг маънавий машъали, социал тараққиёт илғор кучларининг ғолиб байроғидир.

(6 январдаги редакцион мақола).

ПРАВДА

КПСС МК НИНГ ТЕЗИСЛАРИ — ОММАГА!

ПРОПАГАНДИСТ ГРУППАЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика областларига пропагандистлар группаларини жўнатди. Бу группалар составида олимлар, партия ва совет ходимлари, «Билим» жамиятининг лекторлари, пропагандистлар бор. Улар шаҳар ва қишлоқларда КПСС Марказий Комитетининг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига Тезисларини кенг тушунтириб беришда ва чуқур ўрганишда партия ташкилотларига ёрдам берадилар, партия маорифи ва комсомол сиёсий ўқиши системасидаги мактаб ва тўгараклар раҳбарларининг семинарларида Тезисларни ўрганиш масалалари юзасидан методик маслаҳатлар берадилар. Группа аъзолари партия активи билан, докладчилар, сиёсий ахборотчилар билан учрашадилар. Улар завод ва фабрикаларда, колхоз ва совхозларда муҳим сиёсий ҳужжатга бағишланган лекциялар ўқийдилар.

Пропагандист группаларнинг сафари олдидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида шу группа аъзоларига йўл-йўриқлар берилди.

(ЎзТАГ).

ДОҲИЙ ЮБИЛЕЙИГА

ЯНГИЙЎЛ районидаги барча мактабларда пролетариат доҳийси туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик қизитиб юборилди. Жумладан, «Партия XXII съезди» номли 61-мактабда улуғ сана мукосабати билан талайгина тадбирлар амалга оширилди.

Ўқувчилар юбилейга бағишлаб фотоальбом ва стендлар, китоб кўргазмалари ташкил этишди. Унда доҳиймизнинг ҳаёти ва революцион фаолияти ўз аксини топган. Шунингдек, мактабда «Ленин бўлган жойларда» деган йиғилиш ўтказилиб, ўқувчилар Ленин ҳақидаги шеърларни декламация қилишди, қўшиқлар ижро этишди.

ТЕХНИКА ЭКИШГА ШАЙ

«ПОЛИТОТДЕЛ» колхозининг Ковардон участкаси деҳқонлари ҳар бир дақиқани ғанимат билиб, қишлоқ хўжалик техникасини барвақт ремонтдан чиқаришга бел боғлашган. Айниқса, Б. Писметов, П. Исмоилов, Н. Пердешев каби жонкуяр механизаторлар жойбозлик кўрсатишмоқда. Улар қисқа муддат ичида чопиқ тракторларининг талайгина қисмини сифатли қўлдан чиқардилар.

ҒАЗАЛКЕНТ ЯШНАМОҚДА

ЧИНДАН ҳам тоғлар орасидаги бу шаҳарча йил сайин кенгайиб, гўзаллашиб борянти. Осмонўпар турар-жой бинолари, маданий-маиший пунктлар, янгидан-янги мактабларга асос солинмоқдаки, буларни кўриб қувонасан киши. Яқинда қурилиб фойдаланишга топширилган маданий-маиший хизмат кўрсатиш комбинати шу кечакундузда аҳолининг оғирини енгил қилмоқда.

«Энергетиклар шаҳарчаси» деб номланган поселкининг микрорайонида бунёд этилаётган 72 квартирали турар-жой биноси ҳам бугун-эрта меҳнат кашларга совға этилади.

ОММАВИЙ НУСХАДА

«Ўзбекистон» нашриёти КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг юз йиллигига» Тезисларини ўзбек тилида брошюра қилиб чиқарди.

Брошюра оммавий нусхада нашр этилди.

В. И. ЛЕНИНГА БАҒИШЛАНГАН ДОКЛАД ВА ЛЕКЦИЯЛАР

Мактаблар ва мактабгача тарбия муассасалари мураббийлари, область, шаҳар ва район халқ маорифи органлари, шунингдек, Ўзбекистондаги педагогика олий ўқув юртлари ходимларидан сакқиз юзга яқин киши В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган республика кенгашига тўпланди.

5 январда Тошкентдаги Билимлар уйида биринчи ялпи мажлис ўтказилди. Ўзбекистон ССР маориф министри А. М. Қўчқоров «Ленин ғояларининг Ўзбекистонда ҳалқ маорифи соҳасида амалга оширилиши» деган мавзуда доклад қилди. СССР Педагогика фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси, профессор С. Р. Ражабовнинг ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашдаги ленинча принциплар тўғрисида ва шу академиянинг мухбир аъзоси, республика педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг директори Э. Қ. Қодировнинг Ўзбекистонда педагогика фанлари соҳасидаги вазифалар тўғрисида қилган докладлари ҳам тингланди.

Республика кенгаши тўрт кун давом этади. Ўн тўққиз секциянинг мажлисларида болаларга таълим-тарбия беришга доир актуал проблемалар юзасидан докладлар муҳокама қилинади.

(ЎзТАГ).

НОСИР ЭГАМБЕРДИЕВ Тошкентдаги хўжалик буюмлари заводида деярлик чорак асрдан бўён ишлайди. Ўз касбини пухта эгаллаган бу коммунистик меҳнат зарбдори нормани доим 140 процентдан ошириб бажармоқда. Суратда: ўртоқ Н. Эгамбердиев.

Охунбобоев майдонидаги давлат универсал магазини қурилишида ўнлаб бинокорлар фидокорона меҳнат қилишмоқда. Электр пайвандчи Р. Ягудин ҳам шундайларнинг бири. У нормасини 160 процентга етказиб бажармоқда. Суратда: ўртоқ Р. Ягудин иш устида.

И. Шоиноғомов фотолари.

ВАЗИРАНИНГ ГУНОҲИ НИМА

Рихсивой Маҳкамович Маҳкамовнинг хонасидамиз. Биринчи бор суҳбатлашган одам унинг хушмуомаласига, дилкашлиги-ю, ширинсуханлигига қойил қолиб, таҳсин ўқимасдан иложи йўқ эди. У ҳаддан зиёд одоб ва минг тавозе кўрсатиб сўзларди:

— Менга ишонинглар, дўстларим, — дерди у осойишталик билан, — Вазирахонни ўзим ишга олганман. Партия сафига ўтаётганида ўзим кафолот берганман: ёш, айни куч-ғайрати жўшиб турган пайт, зеҳни ўткир, ишга муҳаббати зўр, илми баланд, экономист-инженер, деб мақтаганман.

Бирдан Рихсивой Маҳкамовичнинг бетига ачиниш қиёфаси югурди. У дераза томонга боқканича бир зум хаёлга шўнгиди. Кейин биз томонга аста ўгирилди-да, ўкинч тўла, босиқ овоз билан сўзида давом этди:

— Оқибати бўлмади, дўстларим, Вазира уқувсизлик қилди, тажрибаси етишмади. Бунинг устига бизнинг панд-насиҳатларимизга унамади. «Ўз фикримдан қайтмайман» деб сўзида қаттиқ туриб олди. Ахир, бундоқ ўйлаб кўринглар, мана мен ҳам кўпдан бери шу заводнинг тупроғини ялаб келяпман. Беҳудага бировнинг мушугини пишт, деган эмасман. Нима қилайлик, кўргилиги бор экан. Йўқса биз уни ҳафа қилармидик, кўнглини чўктирармидик?

Завод директори ўринбосарининг ана шу гапларини эшитиб мазини чақар эканмиз, Вазиранинг шу даргоҳга ишга келганидан бошлаб, ҳозиргача ўтган давр кўз ўнгимизда кино лентасидан гавдаланарди.

...Вазира бундан етти йил илгари заводнинг ишлаб чиқариш бўлимига инженер бўлиб келди. Орадан тўрт йилча вақт ўтгач, молия бўлимига катта экономист этиб тайинланди.

Вазира касбини севарди. Берилган топшириқларни бажонидил ўрнига қўярди. Ўзига ҳам, бошқаларга ҳам талабчан эди. Жамоат ишларида актив қатнашарди. Бирга ишлаётган кишилар унга ҳурмат-эҳтиром билан қарардилар.

Ўтган йил май ойларининг бир кунида Рихсивой Маҳкамович ўз хонасига чақирди:

— Вазирахон, — деди у, — сизнинг тўғрингизда фақат яхши гаплар эшитяпмиз. Ишингиздан жуда хурсандмиз. Эндиги маслаҳат шуки, сизни молия бўлимига бошлиқ қилиб тайинламоқчимиз. Директоримиз ҳам шу фикрдалар. Хўш, ўзингиз нима дейсиз?

Кутилмаган бу гапдан Вазира ўйланиб қолди: «Эплайолармикинман, қўлимдан келармикин. Ахир раҳбарлик иши, кўпчилик билан муомала қилиш осонми?! Яхшиси, йўқ деб кўя қолсаммикин».

— Балки қийналиб қоларман, ҳали...

— Бунақа хаёлга борманг, — унинг гапини бўлди Рихсивой Маҳкамович, — албатта уддалайсиз. Ўзим ёрдам бериб тураман. Биз ҳам дастлаб қийналганмиз. Камчиликлар ҳам бўлган. Энди қарабсизки... — директор ўринбосари, маъноли кулиб қўйди.

Эртаси куни директор Ҳикматулла Раҳматович ҳам Рихсивой Маҳкамовичнинг одамохун гапларини такрорлади. «Буйруққа қўл қўйдим, иккиланмасдан ишни бошлайверинг. Ёрдам керак бўлса тортинманг» деб Вазиранинг юрагига далда берди.

Бирга ишлашган молия бўлимидагилар Вазирани яхши биришади. Ишчан, жонкуяр аёл. Шунинг учун ҳам улар янги раҳбарни иссиқ қарши олишди. Вазира иш бошлаганидан кейин заводнинг ички дунёси билан яқиндан таниша бошлади. Илгари ўзига қоронги бўлган томонлар энди ойнадек равшан кўринарди. Негаки, махсулотларни реализация қилиш, маблағ муомаласи ҳар жиҳатдан молия бўлими билан узвий боғлиқ эди-да!

Орадан бир неча ой ўтди. Вазира ҳисоб-китоб ишларини аниқ юритишга, чалкашликка йўл қўймасликка, бўлим шаънига доғ тушмасликка интиларди. Унинг бу ҳаракатлари бирга ишлаётган кишиларда унга муҳаббат уйготарди. Бошлиқлар ҳам «Молия бўлими ишидан энди кўнглимиз тўқ бўлди» деб юришарди. Бироқ...

Ҳа, худди ана шу «бироқ» «Рихсивой Маҳкамовичнинг ҳам, Ҳикматулла Раҳматовичнинг ҳам ортиқ ишларини бузиб, холис ниятларини остин-устун қилиб юборди. Вазира тайёрланган махсулотларни реализация қилишда раҳбарлар томонидан йўл қўйилаётган катта камчиликларни аниқлаб, уларнинг юзига солгаб эди.

— Рихсивой Маҳкамович, — деди Вазира, — махсулотларни реализация қилиш плани ойма-ойига бажарилмаяпти. Маблағимиз камайиб, заводимиз қарздор бўлиб қоляпти. Бунинг иложини топиш керак.

— Хотиржам бўлинг, — аввалига юмшоқлик билан деди директор ўринбосари, — ўзимиз тўғрилаймиз. Сиз, синглим, бунақа ишларга аралашманг.

— Ахир, мен молия бўлими...

— Қўйинг бу гапларни! — Менга директор бўлганингизда буйруқ берасиз, — бу сўз жўхиллик билан айтилди.

Вазира бундай жавобни асло кутмаган эди. Унинг юраги орқасига тортиб кетди. Ахир, сиз ўзингизни Вазиранинг ўрнига қўйиб кўринг: заводда ҳар ойнинг бошида реализация қилинмасдан 3 миллион 700 минг сўмлик махсулот қолиши планлаштирилгани ҳолда 7—8 миллион сўмлик махсулот «вагон етишмайди, куч кам» баҳонаси билан қолиб кетса, нима қиларингиз. Шу боис белгиланган пул кассага тушмаса, завод қарздор бўлиб қолса, сиз «миқ» этмай қараб тура олармидингиз?

Раҳбарлар Вазиранинг ўринли талабига, жон қуйдириб айтган гапларига қулоқ қоқишмади. Аксинча «ҳар нарсага аралаша берманг» деб қойиб ташлашди. Шундай бўлгандан кейин нима қилиш керак? Ниҳоят Вазира 25 октябрь куни вазифасидан бўшамоқчи бўлиб ариза ёзди.

— Йўқ, — деди директор, — бўшатмаймиз, ишлайсиз. Борди-ю, ўзбошимчалик қилсангиз, у вақтда «ишда нўноқ экан, тажрибасизлик қилди» деб буйруқ чиқарамиз-у, меҳнат дафтарчангизни қоралаб бўшатамиз.

Вазира аризани ташлаб, директор хонасидан чиқиб кетди, ишини давом эттира берди. Ўша кезлари заводга Москвадан «Главкабель» бошлигининг ўринбосари ўртоқ Перфилов келиб қолди. Вазира унга бор гапни ётиғи билан айтиб берди.

— Хафа бўлманг, ўртоқ Алимова, — деди у, — директор билан ҳам, ўринбосар билан ҳам ўзим гаплашиб кўраман. Ўтган йилнинг ноябрь ойи охирлари эди. Москвага чақирилган Маҳкамов у ердан ёзли айнаб қайтди. Хушмуомала, ширинсуханликдан асар ҳам қолмаганди. У ҳеч нарсани суриштирмай, «Вазира Алимова ишдан бўшатилсин» деб буйруқ ёзиб, кадрлар бўлимига ошириди. Ўша вақтда директор ҳам Москвада бўлгани учун кадрлар бўлими буйруқни ҳал этолмади. Бу Маҳкамовга таъсир қилди чамаси, Вазирани қаттиқ рат қилишгача боряб етди. Аёл кишининг қалби бу ноҳақ ҳақоратларни кўтара олармиди?! Юраги хасталаниб, бир ой касалхонада даъволаниб чиқди.

Вазира ишга қайтгач уни 10 декабрь куни директор чақирди, ҳол-аҳвол сўраш ўрнига Маҳкамов билан бириктирилган тил бўйича мақсадга кўчди:

— Ўртоқ Алимова, — деди у, — энди биз сизни бу вазифада мутлақо ушлаб туролмаймиз. Қўл остингиздаги кишилар устингиздан шикоят қилишяпти.

— Ишонмайман, — Вазира ҳайрат овози билан деди. — Улар сиз айтган иғвогарлар эмас.

— Ҳа, майли, сиз айтганча бўлсин, — директор ўринбосарига маъноли қараб, сўзида давом этди. — Москвадан келган кишига бизнинг устимиздан шикоят қилиб, ёмонлаганингиз иғвогарликка кирмайдими?

Вазиранинг бошидан бир челак совуқ сув қуйилгандай бўлди. У ҳар иккала раҳбарнинг нима учун тўнини тескари кийиб олганликлари маъносига энди тушунди.

— Мен заводнинг фойдасини қўзлаб...

— Гапни чувалаштирманг, — Ҳикматулла Алимов овозини бир парда юқори кўтарди, — учта шартим бор, — деди у, — биринчиси, хўп десангиз аввалги ёзган аризангизга қўл қўяман; иккинчиси, истасангиз, янги ариза ёзиб беринг, ҳар иккаласига ҳам йўқ десангиз, устингизга айб қўйиб буйруқ чиқарамиз. Бошқа гап йўқ. Яхшиси ҳозир ариза ёзақолинг. Бизлар раҳм-шафқатли одамларимиз. Емонликни раво кўрмаймиз.

Мажбур қилиниб, Вазирага ариза ёздиришди. Шу ерда тўриб қўл қўйдиришди. Шу билан кўнгиллари таскин топиб, енгил нафас олишди.

Бу воқеадан завод партия комитети хабардормикин? Касаба союз ташкилоти эшитганмикин? Агар улар бехабар қолган бўлсалар, воқиф бўлсинлар. Эндигина ўсиб, камол топиб келаётган бир ниҳолни қайиришди. Ўзи ишга олган, мақтаб кафолот берган Рихсивой Маҳкамович Вазиранинг ҳақли талаби, ўринли таниқиди учун унинг орзу-умидини пучга чиқарди. Аёллардан етишган яхши бир кадрнинг, инженер-экономистнинг ҳақ-ҳурмати Маҳкамовнинг «дупёқараши» билан оёқости қилинди. Ҳикматулла Раҳматович ҳам ўз ўринбосарининг юзидан ўтолмади. Улар Вазиранинг, қолаверса Москвадан келган ўртоқнинг тўғри, дўстона танқидларини ҳазм қилолмадилар.

Партия, ҳукуматимиз хотин-қизларга катта ғамхўрлик кўрсатаётган, уларни раҳбарлик лавозимларига дадиллик билан кўтаришга даъват этаётган бир пайтда бундай кўнгилсиз воқеанинг юз бериши ҳаммани таажжублантиради, ҳайратга солади, дилини ранжитади.

Директорнинг ҳам, ўринбосарнинг ҳам «қўл остингиздаги кишилар устингиздан шикоят қилишяпти» деган туҳматига биз кўлимиздаги бир хат билан жавоб бермоқчимиз:

«Тошкент ҳақиқати» редакциясига. «Тошкент кабель» заводи молия бўлими коллективидан: ўртоқ Вазира Умаровна Алимова 1966 йилдан 1969 йил май ойигача завод молия бўлимида катта экономист бўлиб ишлади. Ўша йилнинг май ойидан бўлим бошлиғи вазифасига кутарилди. Вазира Алимова иш даврида ходимлар билан жуда яхши муомалада бўлиб келди. Завод директори ва ўринбосарларининг, бухгалтерия ва бошқаларнинг топшириқларини ўз вақтида бажонидил адо этди. Молия бўлими ишларини юритишда биз томонимиздан ҳеч қачон, ҳеч қандай норозилик бўлгани йўқ. Биз бошлиғимиз устидан раҳбарларга ҳеч қачон шикоят қилган эмасмиз. Биз Вазира Умаровнани яхши мутахассис, талабчан, сезгир, меҳнаткаш раҳбар, меҳрибон аёл деб биламиз.

Катта бухгалтерлар: Р. Голодова, Р. Хабибуллина, группа касаба союз ташкилотининг раиси Т. Кокрекова машинисткалар: М. Мирносирова, Х. Г. Лоскутова».

Биз бу хатни директор Ҳикматулла Алимов, унинг ўринбосари Рихсивой Маҳкамовларга — тирноқ орасидан кир излаётганларга: буни ўқинг, хулоса чиқаринг, даъволарингиз ноҳақ эканлигини сезиб олинглар, деб ҳавола қиламиз. Завод партия комитети, касаба союз ташкилоти раҳбарларига заводда ана шундай воқеалар бўлатуриб, сизлар нега бепарво қараб турибсизлар, деб савол берамиз.

Усмон ЖОНГИТОВ.

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ЁРДАМИ

ХАРТУМ. (ТАСС). Судан пойтахтига яқин жойда марказий илмий-тадқиқот ветеринария лабораторияси пойдеворига биринчи тош қўйиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда революцион кенгашнинг, ҳукуматнинг аъзолари ва таниқли жамоат арбоблари ҳозир бўлдилар.

Чорвачилик министри ал-Атта маросимда сўзлаган нутқида янги лаборатория Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилишини таъкидлади. Бу лаборатория Судан чорвадорларига амалий ёрдам берувчи марказ ва айни вақтда илмий-тадқиқот станцияси бўлиб қолади. Ўттиз миллион бошдан ортиқ чорваси бўлган мамлакатимизда бундай лабораториялар жуда зарур, деди ал-Атта.

Биринчи тош қўйишга бағишланган тантанали маросим провардида сўзга чиққан революцион кенгаш раиси Нимейри ҳам Судан ва бошқа араб мамлакатлари халқларига миллий экономикани ривожлантиришда ёрдам бераётган Совет Иттифоқига миннатдорчилик билдирди.

Г. ГУСАК БИЛАН СУҲБАТ

ПРАГА, 5 январь. (ТАСС). Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг органи «Руде право» газетаси ЧКП Марказий Комитетининг биринчи секретари Густав Гусак билан бўлган суҳбатни бугун эълон қилди.

Г. Гусак ўтган йилга якун ясади, мамлакатдаги аҳволни муқимлаштириш учун ЧКП Марказий Комитетининг 1969 йилги апрель пленуми катта аҳамиятга эга бўлганлигини уқтирди. 1968 йилги январь воқеаларининг мазмунини, шу воқеаларни келтириб чиқарган сабабларни таърифлади. ЧКП Марказий Комитетининг биринчи секретари 1970 йилда сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан муқимлашиш вазифалари тўғрисида ҳам гапирди.

КХДР. Тэдонгри дарёси томонидан Пхеньян шаҳрининг умумий кўриниши.

В. Соболев фотоси. (ТАСС).

Шонли сана

ХАНОЙ, 5 январь ТАСС мухбири С. Афонин хабар беради: Лаос ватанпарварлик фронти (Нео Лао хак сат) 6 январда 14 ёшга тўлди. Лаос халқи ана шу тарихий санани ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун шиддатли кураш шаронтида нишонламоқда.

Америка империалистлари кейинги йилларда Лаосда олиб бораётган «Яширин уруш» тобора ошкора урушга айланиб бораётганлигини бутун дунё кўриб турибди. Лаос ватанпарварлик фронти берган маълумотларга қараганда ҳозир мамлакатда 12 минг Америка «маслаҳатчиси» бор. Америка гумаштаси Ванг Паонинг «алоҳида вазифаларни бажарувчи қўшинлари» деб аталмиш қўшинлар қўғирчоқ армиянинг ўзаги бўлиб хизмат қилмоқда. Қўғирчоқ армияга Қўшма Штатлар ҳар йили 300 миллион долларга яқин маблағ сарфламоқда. Лаос қўғирчоқ қўшинлари сафида 14 солдатга тайландлик бир ёлланма аскар тўғри келади.

Америка империалистлари Лаос халқининг миллий ҳуқуқларини шафқатсизлик билан поймол қилиб, 1954 ва 1962 йиллардаги Женева битимларини қўпол равишда бузиб, Лаосдаги агрессив ҳаракатларни 1969 йил мобайнида айниқса кучайтириб юборишдилар.

Лаоснинг озод қилинган районларида ердан ва осмондан қутуриб ҳужум қилинди. Америка авиацияси Лаос ватанпарварлик фронти назорат қилиб турган районларни бомбардимон қилмоқ учун ҳар куни беш юзтагача самолёт учирмоқда. Лаос халқига қарши янги вахшиёна жиноятлар қилинди.

Каосан Патет — Лао агентлигининг хабар беришича, Лаос ватанпарварларининг қуролли кучлари душман ҳужумини мардонавор даф қилиб, 1969 йилнинг ўзида душманнинг 20 мингга яқин аскарини сафдан чиқардилар, Американинг 200 тадан ортиқ самолётини уриб туширдилар ва шикастлантирдилар. Ўтган 15 йил мобайнида душман ҳаммаси бўлиб 128 минг солдат ва офицеридан маҳрум бўлди, Американинг 1200 самолёти уриб туширилди ва шикастлантирилди, кўп миқдордаги қурол — яроғ ўлжа олинди.

Озод этилган районлар вужудга келтирилганлиги Лаос революциясининг асосий ғалабаси бўлди. Уруш оқибатида пайдо бўлган қийинчиликларга қарамай Лаос ватанпарварлик фронти демократик туб ўзгаришларни изчиллик билан амалга оширмоқда. Ҳозир бутун аҳолининг асосий куч-ғайрати экономика ва маданиятни ривожлантиришнинг уч йиллик плани (1968—1970 йиллар) топшириқларини бажаришга қаратилган. Қуйидаги маълумотлар революцион ҳокимиятнинг ана шу фронтларда эришган муваффақиятларидан далолат беради: Бултур баҳорги шоли етиштириш 1967 йилга нисбатан тўрт баравар кўпайди, халқ маорифи органларининг куч-ғайрати билан 20 жамоа ва 317 қишлоқ аҳолиси ёппасига саводхон қилинган. Озод қилинган районлардаги касалхоналар 1969 йилда Француз мустамлака режими даврида бутун Лаосдаги ҳамма касалхоналарга қараганда етти баравар кўп беморни шифолаган.

Озод қилинган районларда Лаос халқининг сиёсий жиҳатдан ривожланиб бормоқда. Ватанпарварлик фронти билан Лаосдаги ватанпарвар бетараф кучлар ўртасидаги иттифоқ аввало ана шундан далолат беради.

Лаос халқининг адолатли курашини ташкил этаётган Лаос ватанпарварлик фронтига дунёдаги прогрессив жамоатчилик тобора катта мадад ва ёрдам бермоқда. Жаҳон жамоатчилиги Қўшма Штатлардан Женева битимларини ҳурмат қилишни, бу мамлакатдаги аралашувни ва агрессияни бас қилишни ҳамда унинг халқига ўз ички ишларини ўзи ҳал қилиш имконини бериб қўйишни қаттиқ талаб этмоқда.

КХР ДАВЛАТ КЕНГАШИНИНГ СОСТАВИ

БРАЗЗАВИЛЬ, 5 январь. (ТАСС). Конго Халқ Республикаси (КХР) давлат кенгаши (ҳукумати)нинг состави бу ерда расман эълон қилинди. Айни маҳалда Конго меҳнат партияси марказий комитетининг раиси ва Конго Халқ Республикасининг президенти бўлмиш Мариан Нгуаби кенгаш раиси лавозимини эгаллайди. Конго меҳнат партияси марказий комитетининг иккинчи секретари Альфред Рауль давлат кенгаши раисининг ўринбосари қилиб тайинланди.

Давлат кенгашининг аъзолари орасида 8 министр, 5 давлат секретари ва бир олий комиссар бор. Давлат кенгашининг 16 аъзосидан 4 киши Конго меҳнат партияси марказий комитети сиёсий бюросининг составига киради.

Конго Халқ Республикасининг конституциясига мувофиқ давлат кенгаши мамлакатнинг «Олий ижроия ва маъмурий органидир». Давлат кенгаши Конго Халқ Республикасининг президентигагина жавоб беради.

ДЕПУТАТ ТАШАББУСИ

Ғафура опа — Тузель қишлоқ Советининг депутати, ўқувчилар таълим-тарбияси ишлари бўйича доимий комиссиянинг раиси. Мактабларда ўқув-ўқитувнинг юқори савияда бўлиши, меҳнаткашлар фарзандларининг яхши билим олиши, биронта ўқувчининг ҳам мактабдан четда қолмаслиги учун жон куйдириб келади.

Қишлоқ Совети территориясидаги мактабларнинг ўқитувчилар коллективи Ғафура опанинг номини ҳурмат билан тилга олишади. Унинг қимматли маслаҳатлари, кўрсатаётган амалий ёрдамлари дилларни хушнуд этади.

Мана, яқиндагина Ғафура опа бошлаган ташаббусни олайлик. Ленин номли колхозининг Жарбоши қишлоғидан Ғафура опа раҳбарлик қилаётган 46-мактабга 30 га яқин ўқувчи қатнарди. Мактаб билан қишлоқ ораси анча узоқ. Бунинг устига йўл яхши эмас. Қишда лой, ёзда чанг. Нима қилиш керак? Ахир об-ҳаво ноқулай келган кунларда ўқувчилар мактабга кечикишади. Баъзилари бутунлай келмай қўяди.

Ғафура опа қатъий бир қарорга келди. Ўз мулоҳазасини ўқитувчиларга айтди.

— Менинг фикримча, — деди у, — ўша қишлоқ марказида мактаб очсак. Бошланғич синф ўқувчилари бемалол, қийналмай таълим олаберар эди.

— Қайси маблағ билан? Бунинг йули борми? — сўрашди коллектив орасидан кимдир.

— Маблағ ҳам, йўли ҳам топилади. Бу сиз билан бизга боғлиқ. Ўзимизнинг мактаб ремонтини юқори синф ўқувчилари ва сизларнинг ёрдамингиз билан ўтказсак. Ремонт учун ажратилган маблағни янги мактаб қуришга сарфласак. Менимча, қишлоқ Совети ҳам, колхоз правленнеси ҳам қараб туришмас. Қолаверса, жамоатчиликка суянамиз.

Ҳамма Ғафура опанинг фикрини маъқуллашди. Шундан кейин у қишлоқ Совети ва колхоз правленнеси раислари билан учрашиб, бу соҳада ёрдам кўрсатишларини илтимос қилди.

Орадан кўп ўтмай қурилиш бошлаб юборилди. Фарзандлари мактабга қатнайдиган хонадонлар мингтадан гишт қўйиб беришди. Қишлоқ Совети ва колхоз правленнеси бошқа қурилиш материаллари билан таъминлашди. Жамоатчиликнинг кучи билан қишлоқда янги, бошланғич мактаб биноси қад кўтарди.

Ҳозир Жарбоши қишлоғи марказида қурилган мактабда ўқувчилар таълим олмоқда. Бу қишлоқда аҳоли борган сари зичлашиб, фарзандлар ёнига фарзандлар қўшиляпти. Қишлоқнинг каттадан-кичиги депутат Ғафура Карбетовадан жуда-жуда миннатдорлар.

— Меҳнаткаш, ташаббускор, жонкуяр аёл, — дейишади уни.

Қ. ИЎЛДОШЕВ,
Оржоникидзе райони.

КАТТА ЮТУҚЛАР БИЛАН

Ўрта Чирчиқ районидаги 1-«Оҳанқарон» совхозининг аъзолари чорвадорлари, сабзавоткорлари беш йилликнинг тўртинчи йилини улкан зафарлар билан якунлашди.

Совхоз чорвадорлари тайёрлов пунктларига улуғ айём куни арафасида 11823 центнер ўрнига 11850 центнер сут ҳамда 258,9 тонна гўшт етказиб бериб, йиллик планни муваффақиятли адо этишди. Шунингдек, совхоз паррандабоқарлари ҳам 500 минг дона тухум тайёрлашди. Жун тайёрлаш плани ҳам 100,2 процентга етказилди.

Сабзавоткорлар баракали меҳнат қилиб, 2332 тонна сабзавот маҳсулотларини эл дастурхонига тақдим этдилар. Ғалла тайёрлаш йиллик плани эса 300 процентга яқин бажарилди.

Бу совхоз айниқса қўйчиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган коллективлардан бири ҳисобланади. Уларнинг ана шу соҳадаги ютуқлари муносиб тақдирланди. Чорвадорлар Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг иккинчи даражали дипломини ва пул мукофотини олишга сазовор бўлдилар.

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 25 ЙИЛЛИГИГА

ЯҚИНДА ёзувчи ва журналист Адҳам Раҳмат билан Назармат Белоруссияда бўлиб, Улуғ Ватан уруши йилларида у ерда немис-фашист босқинчиларига қарши жангларда қатнашган баҳодир ўзбек партизанлари ҳақида «Жангоҳдан лавҳалар» номли қисса ёздилар. Биз шу қиссадан парча босаётирмиз.

Биз тепаликка кўтарилиб, сўнг ўнгга қайрилдик. Олисдан, қуёш ҳар тонг чоғи салом бериб, жамол кўрсатадиган уфқдан яшил ўрмон кенг бағрини ёйиб кўринди. Биз ўша ўрмонга етиб бордик. Улуғ Ватан уруши йилларида партизанлар қароргоҳига айланган ва халқ қасосқорлари душман қўшинларига қақшатғич зарбалар берилган, Минскдан узоқ бўлмаган бу қарағайзорларни Клиник ўрмонлари дейдилар.

Ўрмон айланиб, собиқ қасосқорларнинг қадрдон «уйларида» бўлдик. Бу «уйларда» истиқомат қилганлардан бири — «Искра» партизанлар отрядининг командири Владимир Павлович Дерябин экскурсияга келган минсклик мактаб ўқувчилари ва биз, ўзбекистонлик меҳмонларни, ўтмишдаги лагерь ҳаёти билан таништирди.

«Искра» партизанлар отряди, шунингдек бошқа партизан қисмлари яшаб, доимий жанговар ҳолатда ҳаёт кечирган жойлар бугунги кунда қандайдир тантанали сокинликка тўла. Оғир жангларни кўрган ўрмонни ўз ҳолига қўйиб, унинг оромини бузмаслик учун атайин ҳеч ким бемаврид қадам қўймаётгандек, қалин қарағайзорлар уфқда бош қўйиб, аста шивирлаб, сукунат оғушига чўмган.

Ўрмоннинг ҳар бир дарахти, ҳар бир япроғи собиқ партизан марди-майдонларнинг ўзларини кўришга келганликларидан беҳад севиниб, хурсанд бўлгандай ҳаракатга келиб, сарбаланд, бақувват сарв қоматларини аста тебратиб, салом бераётгандай туюларди.

Партизанлар яшаб, қаҳратон қиш аёзларида жон сақлаган ертўлалар ўпирилиб, ўт-алаф ичида қолиб кетган. Ўрмон ташқарисига йўл олган окоп-траншеяларнинг айланма чуқур-чизиқлари ҳалигача сақланиб қолган. Ўрмоннинг ҳар жой-ҳар жойидаги баланд дарахтларнинг шохларида соқчи постлари бўлган. Бу ерда навбатчилик қилган посбонлар бирор киши келаётганини кўришлари билан ўз отрядларига хабар берганлар ва номаълум кишини аниқлаш учун ундан пароль суриштирганлар. Пароль асосан рақамлардан иборат бўлган. Соқчи бир рақамни айтса, келувчи унга иккинчи тўғри рақам билан жавоб қайтарса, лагерга киритилган. Агар айтгани нотўғри бўлса, назорат остига олиниб, соқчиларга топширилган.

Партизанлар лагери жойлашган ердан юз-юз эллик қадам наридаги бутазорда иккита ҳовуздай келадиган чоҳни кўрдик. Партизан дўстларимиз, бу икки чоҳ — фашист калхатларининг иши, дейишди. Фашистлар партизанлар зарбасига тез-тез учраб, тинкалари қуриган сари, уларнинг жазаваси тутар, партизанлар қароргоҳига авиациядан зарбалар беришга ҳаракат қилардилар. Шу мақсадда душманнинг бомбардимончи самолётлари ўрмон устида пайдо бўлиб, мўлжални ахтара бошларди. Лекин, партизанлар душман ниятини сезишиб, ўзлари турган жойларни моҳирлик билан ниқоблаб беркитардилар. Фашист калхатлари таҳмин қилган жойларга бомба ташлаб, орқаларига қайтиб кетишарди. Шу бомбалардан иккитаси лагерь яқинига тушиб, ҳовуздай икки чоҳни пайдо этган. Партизанлардан ҳеч ким зарар кўрмаган. Аксинча, улар бу «нотинчлик» учун кечаси душманнинг Жодино районидаги темир йўл соқчиларидан қаттиқ қасос олганлар. Фашист пойлоқчиларидан бир взводга яқини қириб ташланиб, темир йўл изи портлатилган. Натижада душманнинг ўқ-дори ортилган эшелони жарга ағдарилган. Шунда вагонлар ағдар-тўнтар бўлиб, шпаллар яқинидаги пастликка қўлаб тушар, ўқ-дори яшиклари портлаб, аланга олиб, ўрмон устига кўтариларди. Партизанлар қалин дарахтзорлар орасидан сездирмай юриб, ўз қароргоҳларига эсон-омон қайтардилар.

Ўрмон ичида партизан отрядлари йиғилиши ўтадиган жойларни ҳам кўрдик. Коммунист қасосқорларнинг партия мажлислари план асосида ўз вақтида ўтиб турган, партия интизоми жанговар ишнинг бош омили бўлган. Владимир Павлович бир партия йиғилишида комсомол аъзоси Ғанитой Тошниёзовни партия сафига қабул қилиш ҳақидаги аризаси кўрилганлигини эслайди. Партия йиғилишида иштирок этган коммунистлар Ғанитойнинг партия сафига қабул қилиниши ҳақидаги партбюро қарорини якдиллик билан маъқуллаганлар. Йиғилиш аҳлининг қарийб ҳаммаси Тошниёзовнинг иши ва хулқидаги яхши сифатларни айтишга ҳоҳишманд бўлиб, сўз сўраганлар.

Партизанлар уруш йилларида фашистларга хизмат этган хонларни ушлаб келиб, ўрмонда улар устидан суд қилганликларини ҳам сўзлаб бердилар.

Қаерда, қандай мажлис ёки маслаҳат ўтган бўлса, қаерда, қайси ертўлада жангдан оғир яраланиб қайтган партизан вафот этган бўлса, уларнинг ҳамма-ҳаммаси ҳар бир партизаннинг ёдида.

Партизанлар қароргоҳидан анча нарида, ўрмоннинг ичкари, хилват жойида ўртоқлик мозори бор. Бу ерда Улуғ Ватан уруши йилларида немис-фашист босқинчиларига қарши жангларда ҳалок бўлган партизанлар дафн этилган. Анатолий Петрович ўртоқлик мозорига қўйилганлар орасида чоллар, ўсмирлар ва аёллар борлигини эслайди. Уларнинг ҳаммаси фашист газандаларига қарши қаттиқ жангларда катта жасорат кўрсатиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлганлар.

Ўрмон ичидаги партизанлар ўртоқлик мозорини район марказидаги майдонга кўчирмоқчи бўладилар. Лекин, партизанлар ҳалок бўлган дўстларининг хокини безовта қилишни истамайдилар. Аксинча, улар ётган жойга ёдгорлик ўрнатиб, у ерни обод қилишни илтимос қиладилар. Ҳозир ўрмон ичидаги бу азиз жойни обод қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Партизанлар ярадорларнинг тезроқ шифо топишлари учун турли дори-дармонларни душман қисмлари турган жойлардан топиб, маълум ўз одамларидан, шунингдек «катта ер»дан ҳам дори-дармонларни олиб турганликларини ҳикоя қилиб бердилар.

Баъзан оғир ярадорларни йўлда қолдириб кетишга тўғри келган. Лекин бунинг учун аввал йўлнинг ўйдим-чуқур жойи танланиб, бу ерда зовур қазилиб, ертўла бунёд этилган. Ертўла устига уч-тўрт қават ёғоч ётқизилиб, шох-шабба ва лой-тупроқ билан беркитиб ташланган. Ертўлада оғир ярадорлар билан санитар қизлар, шифокор йигитлар қолдирилган. Фашист қисмлари икки томони ботқоқликдан иборат бўлган «кўприк» устидан у ёқ-бу ёққа бемалол ўтиб юришган. Кўприк ости ертўлада эса ярадор партизанлар шифо топиб, оёққа турганларидан кейин кўприкни кўтариб, ағдариб ташлаб, кечаси ўз отрядларига эсон-омон бориб қўшилганлар.

Клиник ўрмонларига фашистларнинг жазо отрядлари қадам қўйишга ботиолмай қолганлар. Чунки партизанлар дастлабки тўқнашувлардаёқ гитлерчилар йўлига миналар қўйиб, уларнинг жонли ва техника кучларига катта талафот келтирганлар ва ўрмоннинг ҳамма ерига мина кўмилган, деб қишлоқларга гап тарқатганлар. Бу хабарни эшитган немис қўшинларининг ўрмон ичкарисига киришга юраклари бетламаган.

Собиқ партизанлар биз билан ўрмон ичида аста-секин қадам ташлаб бораркан, бурунги жанговар дўстларининг ҳаёт кечираётган дўстларидан хат-хабарлар олишиб турганликларини ғурур билан қувониб сўзлардилар.

Инсон хотираси сўнмайди. Оғир жанглар туфайли қўлга киритилган ғалабамизда марди-майдонларнинг улуғ ҳиссалари бор. Жанг оташларида ҳалок бўлган қаҳрамонлар хотираси элимизни сергак бўлишга чақиради. Улар хотирасини сўнмас гулханлар эслатиб туради. Уларнинг хотирасини соф виждонли жумлан-жаҳон эҳтиёт ҳурмат билан ўз қалбида сақлайди.

...Тунда ўрмонда ўқ узилди. ҳаял ўтмай отишма қизиб кетди. Гоҳ ўнгда, гоҳ чапда, гоҳ олисда, гоҳо шундоққина ёнбошда автомат, қўл пулемёти ва милтиқларнинг тариллаган овози эшитилди. Ўқ отишлари ўқтин-ўқтин ёпиб-ўчиб турди. Кимларнингдир инграб йиқилгани, тўқнаш келганларнинг бешафқат олишувлари эшитилди.

У «хальт, тўхта!» деб бақириб автоматдан ўқ узиб, асир олишга югурган фашист автоматчиларига ўқ узиб, уларни қулатди. Яқин келганларини эса милтиғининг қўндоғи билан уриб ер тишлатди. У ҳамма ўқини отиб бўлди. Энди у, ўқ топиши керак. Ўз полкини, ўз қуролдош дўстларини топиши керак.

Тонгга яқин отишма тинди. Қаердадир кўкатларнинг шитирлаши эшитилди. У нима, ўрмон жонворими ёки адашган аскарми? Ғанитойнинг қўллари милтиқни маҳкам тутиб ёвга дам олмай ҳамла қилганидан қизариб, қабариб кетган. Лаблари ёрилиб, пешонаси тилинган, ўзи ҳам билмайди. Сув ичкиси келди. Лекин, сув йўқ. Оёқ остида қум ғирчиллайди, ҳолос. У ҳориб бир дарахтга суянганича ўтириб қолди. Ҳаммаёқ жим-жит. Фақат қаердандир ёлғиз бир саъванинг «чив-чив» деган таниш овози эшитилди. Сен ҳам ёлғиз қолдингми, деб ўйлаб, кўзи юмилиб, уйқу зўр келаётганини сезди у. Ўрнидан туриб яна олдинга қараб юра бошлади.

1942 йилнинг апрель ойи эди. Ғанитой ниҳоят партизанлар дарғоҳига етиб келди. У бу ерга келгунига қадар жуда кўп йўл юрди, қарийб бир йилдан буён душман орқасида — Белоруссия ўрмонларида она-Ватанга хиёнаткорона бостириб кирган, унинг муқаддас ерларини топтаб, шарқий ўлкаларга қонли панжасини чўзаётган гитлерчи газандаларга қарши олиб борилган шиддатли жангларда қатнашди.

Ғаштой 1939 йилдан буён Минск яқинидаги ҳарбий қисмлардан бирида хизмат этиб келарди. У 1941 йилнинг кузида ҳарбий хизматни тамомлаб, она шаҳри Тошкентга қайтиши керак эди. Қўққисдан уруш бошланиб қолди. Гитлер армиясининг тиш-тирноғигача қуролланган дивизиялари мўру малаҳдай ёпирилиб кела бошлади. Чегаранинг бир қанча еридан босиб ўтган фашист одамхўрлар йўлида дуч келган ҳар бир нарсани қуйдириб-ёндириб олдинга шошиларди. Урушни «яшин тезлигида» тамомлаш ҳом хаёли билан маст бўлиб, бутун кучини жангга ташларди. Она-Ватан катта хавф остида қолган эди.

Минск учун бўлган оғир жанглар Ғанитойнинг сира эсидан кўтарилмайди. Шаҳарни тўртта ўқчи дивизия қўриқлаб турарди. Гитлерчиларнинг ўнлаб яхши қуролланган дивизиялари, танк ва артиллерия қисмлари шаҳар бўсағаларига етиб келиб, жанг бошлаб юборди. Совет жангчилари Минск орқали Москвага интилаётган фашист газандаларга қарши мисли кўрилмаган шиддатли жангга кириб кетдилар. Шаҳар атрофида ва шаҳар ичкарисида гитлерчиларнинг юзлаб танклари, тўплари ва бошқа ҳарбий техникаси пачақлаб ташланди. Фашист босқинчилар жанг майдонида кўплаб солдат ва офицерларини қолдирдилар.

Адҳам РАҲМАТ,
НАЗАРМАТ.

(Давоми бор).

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ



Мордовия АССР. Алексеевск цемент заводи ишчилари ва монтажчилари ҳар йили 1 миллион 200 минг кубометр маҳсулот берадиган 5 ва 6-технологик линияни фойдаланишга топширишга тайёрланмоқдалар. Суратда: қурилиб бўлган технологик линияларнинг бири.
А. Овчинников фотоси, ТАСС фотохроникаси.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ
УҚУВЧИЛАРНИНГ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

11.00 — **Кўрсатувлар программаси.**

Ўзбек тилида: 11.05 — **Капитан Теннеш** (4-5-6-7 серициялар).

13.00 — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — **Кўрсатувлар программаси,** 18.00 — **Телеэнциклопедия** (рус тилида).

Ўзбек тилида: 18.10 — **Қорбобонинг совғалари,** 18.45 — **Ленин кутубхонаси,** 19.00 — **Чирчиқ шаҳар пойафзал фабрикаси халқ ансамблининг концерти,** 19.40 — **Телеэнциклопедия,** 19.55 — **Кўрсатувлар программаси.**

20.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — **Кўрсатувлар программаси.**

Рус тилида: 18.00 — **Усмирлар учун эшитириш,** 18.35 — **Ҳужжатли фильм,** 18.55 — **Гитара куйлари** (талабаларга мувофиқ), 19.35 — **Кўрсатувлар программаси ва реклама.**

Ўзбек тилида: 19.45 — **«Мардлик — мангулик»** (Совет Армияси жангчилари учун), 20.35 — **Казанлар** (бадиий фильм), 22.05 — **«Уйларимиз — куйларимиз».**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 — **Тугалланмаган қисса** (бадиий фильм), 21.30 — **Қўшиқлар, рақслар, ҳазиллар,** 22.00 — **Тургенев** (ҳужжатли фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 7/I да **Спартак** (кундузи), **Травиата** (кечқурун), 8/I да **Этик нийган мушук** (кундузи), **Тўй кунида** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/I да **Олтинчи июль** (кундузи), **Парвона** (кечқурун), 8/I да **Алишер Навоий** (кундузи), **Бўрон куши** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7/I да **Кумуш тўй,** 8/I да **Ажаб савдолар** (кундуз ва кечқурун).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/I да **Баҳс,** 8/I да **18 ёшлигим** (кундуз соат 4 да).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«ЦИРКДА АРЧА»** (кундуз соат 12, 3 ва кеч 6 да).

КИНО

Эр-хотиннинг уруши... (2 серия) — «ЧАЙКА», «СПУТНИК», НАВОИЙ номли, «МОСКВА», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5.15 ва кеч 8 яримда).

Зўраки жосус (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Манеж қироли — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 12 яримда).

Она муҳаббати (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 2 да).

Яқинда «Роҳат» кўли билан Шастри кўчаси оралиғида янги 20-маршрутли трамвайлар қатнай бошлади. Суратда: янги маршрут линиясида.
А. АБАЛЯН фотоси.

СПОРТ ХАБАРЛАРИ

◆ Тошкентдаги «Пахтакор» стадионида ёш қиличбозларнинг республика шахсий-команда биринчилиги мусобақалари ўтмоқда. Бу ерда юздан ортиқ спортчилар куч синашаётир. Шахсий биринчиликда қизлар ўртасида шамширчи Наташа Николаева («Буревестник») ғолиб чиқди. Йигитлар ўртасида «Меҳнат» вакили қиличбоз Валерий Есинбойм биринчи ўринни эгалади. Мусобақалар 10 январгача давом этади.

◆ Машҳур «Олтин маъбуда»— футбол бўйича жаҳон чемпионатининг асосий совриги яна йўқ бўлди. Бироқ Лондон полицияси бу хусусда ташвиш тортаётгани йўқ. Чунки уни ҳеч ким ўғирламади, балки Англия футбол ассоциациясининг раҳбарлари уни жаҳон биринчилиги ўтадиган мамлакат пойтахти Мехикога махфий равишда олиб бормоқдалар. Эртага фахрий совғи Мехикога олиб келинади. Махсус полиция эскорти уни аэропортда кутиб олади. Мусобақа ташкилотчилари «олтин маъбуда» хавфсизлигини сақлаш чораларини кўриб қўйганлар. Мукофот банкининг темир сандиғига солиб қўйилади.

ҲАВАСИНГИЗ КЕЛАДИ

Янгийўл районидаги Ислохот қишлоқ Совети районда янги ташкил этилган қишлоқ Советларидан бири ҳисобланади. Шунга қарамай, бу ерда қурилиш ишлари кунданкунга тезлаштирилмоқда. Айниқса, турар-жой ва маданий-маиший бинолар қуриш ишларига эътибор зўр.

Буни Навоий номли колхоз мисолида ҳам кўриш мумкин. Колхозда қишлоқ Советининг анчагина депутатлари бор. Улар ободончилик ишларини яхшилашда колхоз правлениесига яқиндан ёрдам беряптилар.

Колхоз пахта планини йил сайин бажариб, даромади кўпайиб бораётганлиги туфайли қурилиш ишлари авж олиб кетди. Колхознинг марказий участкасидагина эмас, шунингдек «Комсомол», «Большевик» участкаларида ҳам қурилиш ишлари жадал. «Большевик» участкасидаги пастқам уйлар ўрнига эндиликда мақтаса арзигулик 3, 4, 6 хонали уй — жой бинолари қурилгач, қишлоқ файзига яна файз қўшилди.

Ўтган бир йилнинг ўзида колхоз ва колхозчиларнинг маблағи ҳисобидан 32 та турар-жой биноси қурилиб битди. Эндиликда бу уйларда механизатор, шофер, сувчи ва чўпонларнинг оилалари яшамоқда.

Бу йил ҳам қурилиш объектларида иш бўшашгани йўқ. Юзлаб тонна цемент, юз минглаб дона ғишт ва ўнлаб кубометр қурилиш материаллари келтирилди. Шуниси қувончликим, кўпгина бинолар ҳашар усулида, маҳаллий материаллардан фойдаланилган ҳолда қурилаётир. Яқин кунлар ичида яна 25 хонадон янги уйларга кўчиб киради. Шундай қилиб, яқин 2-3 йил ичида колхозда турар-жой бинолари танқислиги тўла тугатилади.

Хонадонларни газлаштиришда ҳам катта ишлар қилинди. Ўтган йили бу ишга киришилган эди. Ҳозир 250 дан ортиқ хонадонга «занғори ёқилғи» киритилди. Йил охиригача эса яна 25 хонадон газ билан таъмин этилади.

Қишлоқда кўча ва йўлакларни тартибга солиш, хиёбонларни гулзорга айлантириш борасида ҳам тадбирлар амалга ошириляпти.

М. ҒОЗИЕВ.

БИЛДИРИШ

Тошкент ишчи-мухбирлар университети тингловчиларининг навбатдаги машғулоти бугун ўтказилади.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

УЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИГА

ҳарф теручилар ҳарф териш машиналарида ҳамда қўлда териш учун, чоп қилувчилар, полиграфия ускуналарини созлаш бўйича слесарлар, сантехниклар, электромонтёрлар, пайвандчилар, гальванотипистлар шунингдек юқорида кўрсатилган мутахассисликлар бўйича, шогирдлар ҳамда омборчилар, ёрдамчи ишчилар, фаррошлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

Ўзбекистон ССР Госплани ҳузуридаги иқтисодий тадқиқотлар институти коллективи институтнинг капитал маблағларнинг эффективлиги, янги техника ва техника прогресси бўлим мудири, иқтисод фанлари кандидати А. Ҳ. Ҳикматовга ўғли

НУРУЛЛАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОМБРЕРО

Ишқивоз фантазияси

Хона соҳибининг «Янги ғалабалар учун!» деган овози эшитилгандан сўнг қадаҳни бўшатдимми ёки бўшатмадимми, унисини билмайман-у, лекин кўз олдимда ажиб бир манзара пайдо бўлди.

Биз атрофида чуғурчуқ болаларидек тизилишиб ўтирган арчанинг беҳисоб ўйинчоқлари, ранг-баранг тақинчоқлари минбардаги сон-саноқсиз ишқибозларни қаршимга келтирди.

Бошим айланиб, тепадаги катта лампочка у ёқдан бу ёққа бориб кела бошлади. Ҳаёлимга эса ўша сеҳргар тўп ўрнашиб қолган-у, тинчлик бермайди. Ёниб-ўчиб турувчи «Хуш келибсиз, меҳмонлар!» ёзуви арчада эмас, гўё электр таблосида товланиб тургандек. Товба, анави арчэ остидаги пахтага йўғрилган хушбичим қиз қорқизми ёки Олтин маъбудами?

Дарвоқе, хона соҳиби нима деди?

— Янги ғалабалар учун?!»

— Терма командамизнинг ғалабаси...

— Ичганим бўлсин...

Биласизми, мана шу маъбудани бу ерга мен олиб келганман. Қандай қилиб дейсизми? Айтиб берай бўлмаса.

...Тоғлар ўлкаси Мексиканинг улкан пойтахтидаман. Мехико ҳечқачон бунчалик гавжумланиб кетмаган, чамаси. Бу ерда етти миллион киши яшайди, дейишарди. Ҳозир аҳоли футбол баҳона, саккиз миллионга бориб қолганов. Кўчаларга одамлар ҳам, машиналар ҳам сиғмайди. Ҳозир шаҳардаги машиналарнинг сони бир ярим миллионга етган эмиш. Ҳаёққа қараманг — сомбреро. Баланд бинолар пештоқида ҳам, қўшқавот машиналар олдида ҳам, майдон ва хиёбонларда ҳам унинг тасвири. «Ацека» стадиони томон шодон бормоқдаман. Мехиколиклар футболчиларимизни севиб қолишди. Футболчиларимиз ҳам бу ажойиб шаҳарни бир умрга эсдан чиқармайдилар. Ахир улар уч бор уринибу эришолмаган орзулари мана шу ерда рўёбга чиқмоқда.

Бугун «Олтин маъбуда» учун сўнгги ҳал қилувчи ўйинни ўтказмоқдалар. Икки йил муқаддам жаҳон олимпидачиларига бағрини очган тарихий стадионнинг марказий минбарида — бахтлиларнинг бахтлиси орасидаман. Финал ўйинга берилиб, йигитларимизнинг муваффақиятидан керилиб ўтирибман.

Айтингчи, бундай кунларнинг келишини қайси биримиз кутмаганмиз?

Бразилия ва СССР дан келган шоврозлар ўйнамоқда. Кўпни кўрган Салданьянинг башоратига қойилман. Финалда қизиллар билан беллашсак ажаб эмас, деган эдим. Икки карра чемпионлар Жюль Рим кубогини абадийга ўзимизнинг қилиб оламиз, деб ҳам ошкор айтишган. Лекин, ватандошларимиз бўш келишмаяпти. Ниҳоят, футбол тожини кийиш иштиёқи билан ёниб ўйнашмоқда

Мана бу қанотдан йилдиримдай ёриб ўтган азаматни қаранг. У ўзимизнинг ҳамишаҳар-ку! Балли, дўстим. Ана, икки ҳимоячини орқасида қолдирди. Дарвозабон нима қиляпти. Постидан чиқиб кетди. Қойил, уни ҳам алдади. Тўп сеткани силкитиб юборди. Гол!!!

Лекин бразилияликлар нега хотиржам? Қизиқ, улар ҳеч пинакларини бузмаяптилар. Бир-бирларини ғойиш ўрнига пинхона табрикладилар ҳам.

Тушунарли, улар воқеа шундай давом этса, тарих такрорланади дейишяпти, чамаси. Дарвоқе, Швеция, Чилидаги чемпионатлар финалида улар олдин тўп ўтказиб юборибди, сўнг енгишган эди. Йўқ, уларнинг бу «номери» бизга ўтмайди. Совет футболчилари аноғи эмас.

Шундай бўлди ҳам. Ҳаммамиз ўйиннинг охиригача оёқ учида турдик. Шинкастланган Кавазашвили ўрнини Пшеничников эгаллади. Шестернев бошлиқ ҳимоячиларимиз бирминг-у бирюзта тўп урган ўша Пеле деганларни ҳам михлаб қўйишди.

СССР — 1, Бразилия — 0 лигича қолди. Судьянинг охирги ҳуштаги чалинган ҳамоно жаммини киночилар, сураткашлар, газетачилар, лаби-лабига тегмайдиган комментаторлар — ҳаммаси бир варақайига майдонга тушиб кетишди.

Шу вақт радио орқали «Совет Иттифоқидан, энг олис жойдан келган ишқивоз ўртага тушсин. Майдонни айланиб чиқсин!» деб эълон қилишди. Уйлаб қарасам, энг олисдан келган ишқивоз ўзим эканман. Ахир Осиё устидан ўлчаганда ҳам, Европа орқали ўлчаганда ҳам Тошкентдан узоқ жой йўқ-ку.

Майдонга отилдим. Футболчиларнинг ҳаммаси севимли Гавриил Качалинни қучиб олишганди.

— Бу ерларга ҳам келибсан-да, пойқадамингга ҳасанот! — деди ўзида йўқ Качалин менга беихтиёр қўлини чўзаркан. Тренер неча йиллик орзулари ушалганданми, мени яхши таниганлигиданми футболчилар қолиб менинг елкамга қоқарди. (Ҳа, Качалин Тошкентда ишлаганида ҳар куни унинг ҳузурига бораверіб даққи бўлиб кетган эдим).

Устозининг менга бунчалик эътиборини кўрган йигитлар у қолиб, мени осмонга ота бошлашди.

— Бўлди, етар. Сомбрерам ушлаб кетди. Сомбрерам! Уни олиб берінглар. Бир умр бошимдан қўймайман, бу собрерони, — дейман.

Стадионнинг ҳамма ёғида ёқилаётган машъалага кўзим тушади. Қулоғим остида алланарсалар гумбирлайди — ишқибозлар ракеталар отишмоқда. Чўчиб кўзимни очаман: навбатдаги шампанскоеннинг қопқоғи отилади. Меҳмонлар қувноқ кулишади:

— Кўзни очинг, Сомбреро.

— Янги йил билан, ишқивоз!

С. МУСАЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 336495, Редактор ўринбосарлари — 835885, 836232, Масъул секретарь — 834808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 831936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 833786. Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлимлари — 835811. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 839050, Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 838761, Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 834048, Эълонлар бўлими — 838142, Коммутатор — 830249 дан 830258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Г. 1554. ИНДЕКС — 64697 Р — 02113